

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕК АДАБИЁТШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Й.Солижонов, Т.Абдукаримов

**ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ – ИНСОН ВА
ТАБИАТ КУЙЧИСИ**

(Адибнинг 80 йиллигига бағишланади)

Ўқув қўлланма

Фарғона – 2008

Масъул муҳаррир:

Филология фанлари доктори,
А.Қосимов.

Такризчилар:

АнДУ профессори, филология
фанлари доктори,
С.Мирзаева.
Педагогика фанлари номзоди, доцент,
А.Иброҳимов.

Фарғона Давлат университети Илмий Кенгашининг 2008 йил декабрь
ойидаги 4- йиғилишида нашрга тавсия этилган.

Биринчи дарс

АДИБНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ

Дарс режаси: 1. Ч.Айтматовнинг таржимаи ҳоли.

2. Ижодининг бошланиши. Ҳикоялари.

Чингиз Айтматов жаҳон адабиётида ўзига хос обрў-эътиборга эга бўлган истеъдодли адибдир. У қирғиз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб ва бойитиб ўзидан олдинги шоир ва ёзувчиларга ўрناк бўларли даражада алоҳида мактаб яратди. Ч.Айтматовдек ўз асарлари билан дунёдаги миллионлаб китобхонларни мафтун эта олган ёзувчи кам топилади.

Унинг биринчи асари 1950 йилда босилган эди. Орадан 5-6 йил ўтгач, Айтматов асарларини жаҳондаги 50 дан ортиқ мамлакат китобхонлари ўз тилларида ўқий бошладилар. Айтматов ижоди қирғиз адабиётини янги босқичга кўтарди, унинг реализмига чуқур замонавий руҳ бағишлади. Демак, у жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифа очди.

Ч. Айтматов насрнинг ҳар бир жанрида самарали ижод қилди, мазмун ва бадиият жиҳатдан юқори савиядаги асарлар яратди. Ёзувчи ижодининг илк намунаси “Газетачи Дзюдо” номли ҳикоя эди. Кейинчалик бирин-кетин “Ҳошим”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Бўтакўз”, “Байдамтол соҳилларида” каби ҳикоялари майдонга келди. Ч. Айтматов янги куч, янги шижоат билан изланишда давом этиб, “Юзма-юз”, “Сарвқомат дилбарим”, “Жамила”, “Биринчи муаллим”, “Сомон йўли” (Момо ер), “Алвидо, Гулсари!”, “Оқ кема”, “Денгиз бўйлаб чопаетган олапар”, “Эрта келган турналар”, “Чингизхоннинг оқ булут” каби ажойиб қиссаларни ёзди. Айниқса, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Охир замон нишонлари” романлари, “Чўққида қолган овчининг оҳу-зори” (М.Шаханов билан ҳаммуаллифликда) номли суҳбат-диалог сўз санъатининг дурдоналари сифатида китобхон учун қимматлидир.

Ч. Айтматов 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Унинг отаси Тўрақул, онаси Нагима она ўз даврининг ўқимишли инсонлари эдилар. Ёш

Чингиз аввал рус, сўнг қирғиз мактабида ўқиди. Уруш даврида Шакар қишлоқ кенгашида котиблик қилди, тракторчилар бригадасида ҳисобчи бўлди. Урушдан сўнг, Авлиёотадаги зооветенария техникумида таълим олди. Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тугатиб, 1956 йилгача зоотехник бўлиб ишлади. Аммо Ч. Айтматов қалбини сеҳрлаган, тафаккурини эгаллаган соҳа ветеринария эмас, балки сўз санъати бўлиб чиқди. 1956-58 йилларда Москвадаги олий адабиёт курсида таҳсил кўрди. Ёзувчи бадиий ижодни муттасил ва узлуксиз равишда давлат ҳамда жамоат ишлари билан қўшиб олиб борди. У турли йиллар давомида Қирғизистондаги етакчи адабий журнал “Литературный Киргизистан” нинг бош муҳаррири, “Правда” газетасининг республика муҳбири, сўнг “Литературная газета”нинг Ўрта Осиё республикалари бўйича доимий муҳбири, Қирғизистон киномотографчилари уюшмаси бошқарувининг раиси лавозимларида ишлади. У Қирғизистон киноси ривожига ҳам катта ҳисса қўшди. Бу даврда Айтматов асарларининг экранлаштирилиши натижасида қирғиз кино санъати ҳам бадиий адабиёти сингари жаҳон миқёсига чиқди.

Адиб кўп йиллар Қирғизистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Халқаро адабий жараён равнақида катта мавқега эга бўлган “Иностранная литература” журнали ҳайъатини бошқарди. Халқаро миқёсдаги санъаткор ва ёзувчиларни бирлаштирган. “Иссиқкўл анжумани”ни ташкил этди. Унинг асарлари жаҳоннинг 80 дан ортиқ тилларига таржима қилинди. “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема” қиссалари учун икки марта (1968, 1978) Давлат мукофотини олди, Меҳнат қаҳрамони (1978) унвонига эга бўлди. У Ўзбекистоннинг “Халқлар дўстлиги” ордени билан мукофотланган (1998). Академик (1974) Ч.Айтматов ўзбек адабиёти ва ўзбек китобхонларининг ҳам яқин дўсти эди.

Ўзбекистон мактаб ўқувчилари ўз дарсликлари воситасида унинг “Олтовлон ва еттинчи” (“Қиёмат”дан), “Оқ кема”, “Асрга татиғулик кун” романидан олинган “Найман она қиссаси”ни севиб ўрганмоқдалар. Коллеж ва академик лицейлар дастуридан “Жамила” қиссаси ўрин олди.

Ч.Айтматовнинг кўпгина асарлари ўзбек тилига Асил Рашидов, Иброҳим Гофуров, Суюм Қораевлар томонидан ўғирилди.

Ардоқли адиб Ч.Айтматов 80 ёшга тўлиш арафасида 2008 йил 13 майда вафот этди.

Чингиз Айтматов ижоди ҳақида Ўзбекистоннинг вақтли матбуотида катта-кичик мақолалар эълон қилинди. Бироқ бир бутун ўқув ёки услубий қўлланма яратилмади. Ваҳоланки, республика олий ўқув юртлари, турли типдаги коллеж ва академик лицейларнинг ўқитувчи ва талабалари бундай қўлланмага эҳтиёж сезади.

Биз, муаллифлар, юқоридаги эҳтиёжни ҳисобга олиб, Ч.Айтматов яратган энг муҳим асарларнинг асосий ғояларини бир бутун ўқув қўлланма сифатида ёритишни мақсад қилиб олдик.

1. Чингиз Айтматовнинг “Жамила” қиссаси жаҳондаги энг гўзал севги асаридир. Бу асар ёзувчига шухрат келтиради, унинг номини жаҳонга танитади. Луи Арагон (Француз ёзувчиси).

2. Ч.Айтматов қаҳрамонлари қалби кенг, ички дунёси бой, самимий, ростгўй, юксак инсоний фазилатларга эга бўлганликлари учун ҳам китобхонлар қалбидан ўрин олди.

М.Авезов (Қозоқ ёзувчиси, академик, Давлат мукофоти лауреати).

3. Ч.Айтматов асарлари эндиликда жаҳон бўйлаб зафарли одимламокда. Унинг ҳаётбахш овози ҳамма минтақаларда жаранглаб турибди. Ёзувчи асарлари дунёнинг 83 тилида – 10 миллион нусхада босилганлиги бунга гувоҳлик беради.

К.Яшин.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Меҳнат қаҳрамони

4. Ч.Айтматов номи жаҳон адабиётининг Л.Толстой ва Ф.Достоевский, Фолкнер, Р.Тагор, Р.Ҳамзатов каби улуғ сиймолари билан бир қаторда туради.

Н.Каримов, У.Норматов - филология фанлари докторлари, профессорлар.

5. Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” қиссаси жуда катта бадиий-эмоционал кучга эга бўлиб, айтматовча асарлар яратиш йўлидаги янги самара ва муҳим бир звенодир.

Ю.Лукин (Рус ёзувчиси).

6. Чингиз Айтматовнинг энг яхши асарлари аллақачоноқ янги жаҳон адабиёти классикасининг таркибий қисми бўлиб қолди. Унинг китоблари услуби жиҳатидан ҳам, кўтарилган фалсафий масалаларга кўра ҳам биридан фарқ қилади, шу билан бирга, уларнинг умумий жиҳатлари ҳам бор.

Чингиз Айтматов ижтимоий воқеа-ҳодисаларни кузатиш ва таҳлил қилишда ноёб истеъдодга эга донишманд файласуф, киши руҳиятининг нозик торларини черта оладиган сеҳргар санъаткордир.

Одил Ёкубов,

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Ч.АЙТМАТОВ ИЖОДИНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ.

ҲИКОЯ ВА ҚИССАЛАРИ

Қирғизистон халқ ёзувчиси, Меҳнат қаҳрамони, бир неча марта Давлат мукофотларининг совриндори, Чингиз Тўрақул ўғли Айтматовнинг адабий ижоди 1952 йиллардан бошланди. Бу вақтда у студент эди. Дастлаб матбуотда бир неча мақолалар билан кўринди. Шу йили “Қирғизистон” номли ойлик адабий журналда унинг “Ашим” ва “Газетачи Дзюйдо” ҳикоялари босилиб чиқди. Сўнгги беш йил Айтматов ҳаётидаги адабий таълим олиш даври бўлди. Ўз қаламини таржималарда, жамоа хўжалиги ишлари ҳақида ёзилган мақола ва очеркларида чархлай бошлади. Шу йилларда унинг “Лалмизорда”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Рақиблар” (1954-55) ҳикоялари эълон қилинди. Мана шу кичкинтой асарлар ўз муаллифига Москвадаги М.Горький номли Адабиёт институтининг олий курслари эшигини очиб берди. Чунки унинг дастлабки асарлариёқ, гарчи ҳали юксак намуна даражасидан йироқ бўлса-да, ёзувчи талантининг ўзига хос томонларини кўрсатиб турарди.

Ч.Айтматов илк ҳикояларидаёқ кўпчиликни ром қилиб оладиган мавзуларга қўл урди ва уларни жуда жозибадор қилиб тасвирлаб бера олди.

Адибнинг “Рақиблар” ҳикояси 1954 йилда яратилди. Бу ҳикоя асосида оддий воқеа-икки жамоа хўжалиги мироблари Қоратой ва Собирбекларнинг ўзаро муносабатлари ётади. Аммо бу муносабатлар тор шахсий доирадан чиқиб, ижтимоий маъно кашф этган. Иккаласи ҳам ўз ишларини жондидан севган кишилар. Собирбек янгиликни дадил қўлловчи, Қоратой эса эскича усуллар билан ҳам жўхоридан юкори ҳосил етиштиришга ҳаракат қилади.

Балки Қоратой билан Собирбек бир-бирлари билан ишлари ҳам бўлмасдан ўтиб кетишлари мумкин эди. Аммо тумандаги йиғилишлардан бирида сувдан фойдаланиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилинади. Шунда Собирбек “Бештош” хўжалигида сувдан фойдаланиш ёмон аҳволда эканлигини айтиб, Қоратойни дўстона танқид қилади. Илгари сен-менга бормаган ошналарнинг бу танқиди қаттиқ таъсир қилади, ҳатто Қоратой кўнглида ғараз пайдо бўлади. Бу ғаразнинг кучайишига гўзал хотини Хонимгул ҳам сабабчи бўлади. Овулда Собирбек Хонимгулни севармиш, деган гап тарқалганди. Гўё Собирбекларнинг жамоа хўжалигидаги кинода иккови бирга ўтиришган эмиш. Бундай тухмат гаплар Собирбекнинг танқиди билан асослангандек бўлади. Собирбек сув ўғрилайди, неча йиллардан бери тозаланмаган ариқлардан сув уриб кетади. Собирбек Қоратойнинг ҳолидан хабар олгани келади. Шунда Қоратой ўзининг ҳақсизлигини тушуниб етади. Собирбекнинг чин дўстлигини сезади.

Ч.Айтматовнинг деярли барча асарларида киши-кишига дўст деган ғоя илгари сурилади. “Байдамтол соҳилларида” ҳикояси ана шундай дўстлик мавзусида ёзилган.

Собиқ совхозда ер ўзлаштирилиб, доврўғ чиқармоқчи бўлган Нурбек кишиларнинг ишончини оқлай олмай, жинойт қилади, яъни қияликдан тракторни ағдариб юборади-да, ўзи қочиб кетади. Нурбек бу ишни қасддан қилмайди, албатта. Унинг бошқалар гапини қилмагани, манманлиги панд

беради. Сел келиши оқибатида тошиб кетган дарё қирғоғидан уни Бектемир топиб олади. Гўзал қиз Ася уни жисман ва маънавий жиҳатдан даволайди. Нурбекда одамларга нисбатан ишонч, муҳаббат туйғуларини шакллантиради. Энди Нурбек ўзини оқламоқчи бўлади ва меҳнат кучоғига жўнайди. Унинг кўз ўнгида Ася ҳақиқий одамийлик тимсоли бўлиб қолади. Бироқ бу сафар дарё устидаги симкўприкнинг ўқини синдириб қўяди-ю, энди уни шу ҳолда ташлаб кетмайди. Нурбек тросга илашиб орқага қайтади ва уйидан асбоблар олиб келиб, уни тузатади. Унинг одамлар олдида масъулиятни ҳис қилишида сўзсиз Асянинг хизмати бор. Мана, Нурбек нима дейди: “Нима қилай ...” Ахир мен инсонман-ку, менинг исмим-Инсон! Мен буни тузатишим керак!”

“Оқ ёмғир” ҳикояси (1954) нинг конфликти Зайнаб билан қизи Саодат характерлари ўртасида ривожланади. Саодат янги авлод вакили сифатида ўз мақсади тракторчи бўлиш, “Эски кўчманчи” даштини ўзлаштириш сари астойдил интилади ва бунга эришади. Онаси эса унинг иродасига бўйсунушга мажбур. Ҳатто, у аввал унамагани – Саодатнинг Қосимжонга тегишига ҳам рози бўлади.

Саодат билан Қосимжон ёшлар образи бўлиб, “Эски кўчманчи” водийсидаги чўлларни ўзлаштиришда қатнашадилар. Улар тракторчи бўлиб ишлайдилар. Чўл қийинчиликларини енгиб, халқ ҳурматига сазовор бўладилар. Чунки улар бир неча кунлаб ёғадиган ёмғирга ҳам қарамасдан ана шу чўлда “темир улов-трактор”да ишлайдилар.

Асар уларнинг турмуш қуришлари билан якун топади. Саодат ўз даври учун хос бўлган жасоратли ёшлар образи ҳисобланади. Сабаби аниқ. Маҳаллий қизларнинг трактор плуги устида ўтириб, унинг лемиғини бураб ер ҳайдаши ақлга сиғмас ҳодиса эди. Саодат маҳаллий урф-одатларнинг “қули” бўлиб қолмайди. У ўз эркини намойиш қилади. Турмуш қуришда ҳам ўз қалбига қулоқ солади, севгани билан яшаш орзусига эришади. Асар кичиккина ҳикоя бўлса-да, ибратли ғояга эга. Унда тасвир этилган Қосимжон ҳам меҳнатсевар, севгида вафодор ёшлар тимсоли. Зайнаб опа Саодатнинг онаси, унинг Саодатдан бўлак фарзанди йўқ, туну кун Саодатнинг ишдан

келишини кутади. Саодатни тракторда ишлашни ҳам, Қосимжон билан севишганини ҳам аввал тан олмайди. Кейинчалик Зайнаб опа қизининг эзгу ниятини тушунади ва унга кўмаклашади. У қизи учун янги кийим тикади, уни ўз қўли билан кийдириб келиш учун от миниб йўлга тушади. Ташқарида “беғубор” оқ ёмғир ёғмоқда эди. Оқ ёмғир ёшларнинг бахти, саодати ва покиза келажаги рамзи тарзида намоён бўлади.

Назорат саволлари:

1. “Рақиблар” ҳикоясида халқ хўжалиги учун зарур бўлган қандай масала мавзу қилиб олинган?
2. Рақиблар деганда нимани тушундингиз, улар кимлар экан?
3. Тумандаги йиғилишда Собирбек Қоратойни нима учун танқид қилди? Сиз унга қандай қарайсиз?
4. “Байдамтол соҳиллари”да қандай ғоя илгари сурилган?
5. Нурбек тимсолига тавсифнома тузинг.
6. “Оқ ёмғир” ҳикоясининг мавзуси нимага бағишланган экан?
7. Зайнаб опа хаёлидан нималар кечди? У ўз қизи Саодат тақдирига қандай қаради?
8. Ҳикоясининг “Оқ ёмғир” деб номланишидан нимани англадингиз?

Иккинчи дарс.

Ч.АЙТМАТОВНИНГ ИЛК ҚИССАЛАРИ

Мазкур дарсда адибнинг “Жамила”, “Юзма-юз”, “Биринчи муаллим” қиссалари таҳлил этилади.

Режа:

1. “Жамила” қиссасида II жаҳон уруши давридаги қишлоқ ҳаёти тасвири.
2. Қиссада соф муҳаббат туйғуси, меҳнатсеварлик, аёл-қизлар жасорати талқини.

3. “Юзма-юз” қиссасида умумий курашдан қочадиган, худбинларнинг қораланиши.
4. “Биринчи муаллим” қиссасида XX аср 20-йилларидаги маърифат масалаларининг кўрсатилиши.
5. Асарда Олтиной ва Дуйшен образлари.

“Жамила” қиссаси (1958)

“Дунёдаги муҳаббат тўғрисида яратилган қиссаларнинг энг яхшиси”.

Луи Арагон.

“Жамила” қиссаси китобхонларнинг энг севимли асари, ундаги образлар эса яқин дўстлари ва ҳамроҳлари бўлиб қолди. Қиссадаги воқеалар Жамиланинг эри Содикнинг укаси Саид томонидан ҳикоя қилинади. Асар ағдарма композиция асосига қурилган, яъни воқеа хотима ечимдан бошланади. “Жамила” қиссаси йирик санъат асаридир. Чунки унда II жаҳон уруши йиллари бутун мураккаблиги билан, кишиларнинг ҳаётидаги ўзгаришлар ёрқин ифодаланган.

Қиссада тасвирланган воқеани икки оғиз сўз билан айтиб қўйиш мумкин. Жамила фронт госпиталида даволанаётган эри Содикни ташлаб, бегона киши, ногирон Дониёр билан кетиб қолади. Бундай ҳодисалар турмушда учраб туради ва улар оқибатда оилавий бахтсизликка олиб келади. Аммо китобхон Жамилани ҳам, Дониёрни ҳам бу қилмишлари учун айблай олмайди. Чунки ёзувчи уларнинг ҳатти-ҳаракатларини, муносабатлари ва муҳаббатларини ҳам ички, ҳам ташқи факторлар билан ишонтирарли қилиб исботлаб, асослаб беради. Асар ҳаяжонли драматизмга тўла. Ўқувчи ўзини асар қаҳрамонлари билан бир сафда кўради. Буни образлар таҳлилида янада яққолроқ сезиш мумкин.

Жамила образи. Воқеалар катта ва кичик уйлар таърифи ва одамларини таништириш билан бошланади. Жамила мана шу катта хонадоннинг келини. Бу ерда жуда кўп кишиларга характеристика берилса

хам асар воқеаларида атиги уч киши иштирок этади. Жамила тўғрисидаги биринчи ибораларданок ўқувчи унинг характери жиҳатдан қайнонасига нақадар мос тушганлигини пайқайди. Жамила тиниб-тинчимас аёл эди. Унинг ҳаракатларида, туриш-турмушида аллақандай шиддат, эркакларга хос хусусиятлар кўзга ташланади. Буни ёзувчи ҳикоячи тилидан шундай асослайди: “Жамила ёшлигидан йилқичилар орасида ўсиб катта бўлган, тоғ этагига жойлашган Бақайир овулидаги йилқичининг қизи эди. Билмадим, ёшлигида отаси билан бирга дала-даштларда йилқи ҳайдашиб, от чопишиб эрка ўсганиданми, ёки биттаю-батта қиз бўлгани учунми, ишқилиб Жамиланинг ҳатти-ҳаракатларида аллақандай жўшқинлик, эркакларга хос фазилят бор эди. Ҳар бир ишга астойдил киришар, бошқа келинлардек бошим, белим оғрияпти деб, сира зорланмасди. Бироқ ўзи ҳам бировга ҳақини кетказмайдиган, айтишган билан айтишиб, сўкишган билан сўкишадиган ўжар аёллардан эди.

Жамила катта уйдаги эрка келин. Бу ерда уни ҳақиқатгўйлиги, меҳнатсеварлиги учун ҳурмат қиладилар. Қайнонаси эса унинг сиймосида келажакда ўзининг ўрнида хўжаликни бошқариб қоладиган тажрибали аёлни кўради. Жамиланинг ўзи ҳам уйдагиларни қаттиқ ҳурмат қилади. Эри Содик билан атиги уч-тўрт ой турмуш қилишган холос. Содик урушга кетгач, Жамила бошқалар сингари далада ғалла ташувчи бўлиб ишлай бошлайди.

Адабий танқидчиликда Жамила билан Содикнинг турмуш қуришлари тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, бир хиллари қиз турмушга севмасдан, ота-оналарининг раъйига қараб чиққан дейишади. Иккинчи хилларининг айтишича, “Ота-онаси томонидан мажбуран севмаган кишисига турмушга чиқарилган Жамила эрининг уйида гўё кишанлангандек, дамини ичига ютиб яшайди”. Учинчи бир танқидчилар: “Жамилани йилқичи Содик ўғирлаб кетган ва у умри бўйи севмаган эр билан яшашга мажбур” деган тахминни илгари сурадилар. Кўрамизки, биринчи қарашда оз бўлса-да, Жамила характерининг фаоллиги таъкидланади /эрга чиққан/, иккинчисида эса пассивлиги / ота-она томонидан/ кўрилади. Кейингисида Содик

характерининг активлиги – Жамила тегмаган ҳам, берилмаган ҳам, балки куч билан олинган. Яна “Жамила шуни яхши биладики, унинг Содиқ билан никоҳи – икковини ўзаро хатоси” деган фикр ҳам юради. Бу қарашларнинг қай бири тўғри, қайсинисига ишониш керак?

Бу муаммони ёзувчи жўртага очик қолдиради. Шундай қилмаслиги мумкин ҳам эмасди. Чунки асар воқеалари муаллиф томонидан эмас, балки ёш йигит Саид томонидан баён қилиняпти. Унинг ақли ҳали бундай масалаларнинг тубига етишга ожиз. Шунинг учун ҳам у акаси ва келин аясининг тўйларини шундай изоҳлайди:

“... Содиқ акам ҳам чавандоз бўлган экан; у бир куни яйловдаги чорвадорлар тўйи муносабати билан ўтказилган пойгада Жамилага етолмай қолган экан. Шундан кейин изза бўлиб, уни олиб қочиб кетганлигини билардим. Овсин-ажинлар бўлса, ҳечам-да, улар бир-бирларини яхши кўриб топишган, дейишарди”.

Синчиклаб қаралса, ҳар иккала фикрнинг остида ҳам жон борга ўхшайди. Жамилага етолмай изза бўлишига қараганда, Содиқ жуда орномусли / буни китобнинг сўнггида ҳам биламиз /, эпчил ва бақувват йигит бўлган. Жамилани опқочиб келгандан кейин уни севмаслиги мумкин эмас. Жамила ҳам шундай йигитни ўз меҳри-муҳаббатидан маҳрум қилмас. Буни биз қаердан биламиз? Мана бу сатрларга эътибор беринг:

“Жамила ҳар сафар хатни / Содиқнинг хатини / қўлига олиши билан ўз-ўзидан қизишиб кетар, уни ҳарислик билан тез-тез ўқий бошларди. Лекин хатнинг охирига яқинлашган сайин юзидаги қувонч алангалари сўниб, ранги ўчиб, қошлари яна чимирилиб қоларди. Баъзида хатни охиригача ўқиб чиқишга ҳам сабри чидамай, ҳафсаласи пир бўларди-ю, ғинг демасдан, гўё қарз олган нарсасини қайтариб бераётгандек бўшашиб, хатни ойимнинг қўлига тутқазарди.

Агар Жамила Содиқни севмаса, шундай ҳолатга тушмасди. Хўш, бўлмаса, уни Дониёр билан кетишга нима мажбур қилди? Жамила ўз қадрини, иззат-нафсини биладиган аёл. Унинг қалби турли-туман

ҳиссиётларга тўла. Бу ҳиссиётларни тушунадиган яна бир қалбга муҳтож. Содиқ эса узоқда, бунинг устига унга алоҳида хат ёзиш у ёқда турсин, уйга ёзган хатининг” энг охирида: “шунингдек хотиним Жамила ҳам эсон-омон юрибдими?” – деб бир оғиз қистириб ўтарди холос. Унга алоҳида хат ёзиш, ёки бошидаёқ салом йўллаш қирғиз урфларига қарши эди. Шаддот Жамила буни ҳазм қилолмас ва ўзича Содиқ мени севмайди, деб хулоса чиқарди. Шундан Жамила ўзини камситилган деб ҳис қиларди. Дониёр эса унинг ҳистуйғуларини тушунадиган, кадрига етадиган киши бўлиб чиқди. Жамила унча-мунча йигитларга сўз бермайдиган аёл. Бу жихатдан унинг Усмонга берган жавобини эслаш кифоя.

Жамила Дониёрни катта қалб эгаси, олийжаноб йигит сифатида севиб қолди ва ўзининг ҳаёт ишларини у билан маҳкам боғлашга аҳд қилди. У йигит билан бирга кетди. Овулда уни қораламаган фақат асар ҳикоячиси Саидгина эди холос. Чунки у янгасининг қалбини тўғри тушунарди, унинг Дониёр билан бахтли бўлишини хоҳларди. Жамила икки ўт орасида қолди. Бир ёқда госпиталда даволанаётган ва бир-икки ойда келиш эҳтимоли бор бўлган эри, иккинчи томонда, қўшиқлари билан оромини олган чинакам муҳаббатини қозонган Дониёр. Дониёрни севиб қолгандан кейинги ҳолатини ҳикоячи шундай тасвирлайди:

“Мен янгамнинг ташвишли, ғамгин чехрасига қарар эканман, негадир ўзимни унга ўхшатардим. Чунки унинг ҳам қалбини аллақандай бир ҳиссиёт ўртаётганини, унинг ҳам юрагида янги умид-орзулар уйғона бошлаганини сезиб қолгандим. Назаримда, Дониёр бу оташин ҳисни қалбидан чиқариб ташлашга уринаётгандек бўларди. Бироқ ўз севгисини тарк этолмай, унинг барча заҳматларига чидашга мажбур бўларди”.

Жамила ўзини бу севгидан халос этишга уринади. Аммо бунинг уддасидан чиқолмайди. Қирғиз урф-одатлари қобиғини ёриб, ўз бахтига эришиш йўлида жасорат кўрсатади.

Жамиланинг портрети қиссада ихчам, лекин ишонарли тасвирланган. Унинг ташқи қиёфаси ички дунёси билан нақадар мос. “Жамила сарв қомат,

бежирим аёл эди. Икки ўрим қора сочини бошига чамбарак қилиб ўриб, устидан танғиб олган оппоқ дурраси унинг буғдойранг кулча юзига шундай ярашиб тушар эдики, асти қўяверасиз! Жамила кулганда унинг шахло кўзларида навқирон ёшлик барқ урар, шунда у беихтиёр қаддини ростлаб, шўх овул лапарларини куйлаб юборарди”. Унинг куйга, қўшиққа хавасмандлиги Дониёр билан топишишида бир восита бўлди.

Дониёр образи. Қиссанинг асосий қаҳрамонларидан бири Жамиладек соф қалб эгасининг меҳр-муҳаббатига сазовор бўла олган йигит. Аввал Дониёрни тунд, индамас, камгап киши сифатида танисак, кейинчалик олийжаноб, кўп ишларни бошидан кечирган фронтак кийфасида кўриб, уни яхши кўриб қоламиз. Ёзувчи Дониёр тўғрисида ортакча тафсилотларга ўрин бермайди. Унинг кимлиги, қаердан келиб қолганлиги, хуллас, таржимаи ҳолига батафсил тўхтаб ўтирмайди. Унинг тўғрисида фақат икки абзацдан иборат маълумотга эга бўламиз.

“Дониёр асли шу ерлик экан. Айтишларича, у ёшлигидан етим қолиб, ҳар кимларнинг эшигида юрган, охири чакмоқдаги қозоқ тоғалариникига кетиб қолган, шу-шу болани излаб боргудек биронта ҳам жонкуяри бўлмаган экан”. Урушдан яраланиб қайтган Дониёр тинчгина ўтиришни ёқтирмайди. У арава миниб станцияга ғалла ташийди. Секин-аста Саид ҳам, Жамила ҳам унинг ички дунёсидан хабардор бўла бошлайдилар. Ёшлигида етим ўсиб, бошига кўп қийинчиликлар тушган Дониёр меҳнатсевар йигитлигини, бир сўзлигини, чинакам ватанпарвар эканлигини кўрсатади.

Дониёр ташқи кўриниш жиҳатдан серсовлат, камгап, қовоғи солиқ бўлса ҳам, ички дунёси бой, юрагида аллақандай сир сақлаб юрувчи, ҳис-туйғуларга сероб киши. Унинг қарашларида “ўта кўнгилчанлик, олийжаноблик билан бирга юрагини куйдираётган аллақандай сирли бир ҳасрат борлиги сезилиб турарди”. Дониёр Жамилани қаттиқ севиб қолади. Унинг ҳазил-мутуйибалари, қилиқлари, ҳатти-ҳаракатлари унга жуда ёқар, ҳузур бағишларди.

Дониёр иродали, бир сўзли йигит. Жамиланинг бир оғиз сўзи учун оёғи чўлоқлигига қарамай энг катта қопдаги буғдойни каппонга олиб чиқади. Шу катъйилиги билан мағрур Жамилани ўзига бир қадар мойил қилиб олади. Фарахли август тунларидан бирида эса Дониёр ўзининг дилбар қўшиғи билан яна бир фазилатини намоён қилади. Унинг куйи бепаён қирғиз даштларида канот қоқади, уни аллалайди. “Дониёрнинг кўнғирокдек овозигина эмас, балки куйнинг оҳанраболиги, жўшқин ҳис-туйғуларга бойлиги ҳам кишини мафтун этарди. Бунинг нималигини ақлимга сиғдира олмай лол бўлиб қолдим: бу ашуланининг овозими ё юракдан қайнаб чиқаётган бошқа бир нарсамми? Киши қалбининг энг нозик торларини чертиб, унда эзгу ниятлар уйғотаётган бу нима ўзи?”

Жамила ҳам, Саид ҳам бу қўшиқнинг асири бўлиб қоладилар. Агар Саидни Дониёрнинг куйлари ҳаяжонлантириб, ҳаётнинг бутун гўзаллигини сезишга илҳомлантирган бўлса, Жамилани бутунлай ўзгартириб юборди. Энди илгариги “шўх, ҳазилкаш, гапга чечан келиндан гўё асар ҳам қолмагандек эди. Унинг ўйноқи, ўткир кўзлари энди гўё булутли кундаги куёш сингари негадир ғамгин боқарди. Йўлда кетиб бораётганимизда Жамила доимо чуқур ўйга толар, лабларида билинар-билинемас табассум ўйнаб, фақат ўзигагина маълум бўлган аллақандай латиф бир нарсадан ҳузур қилаётгандек, ундан суюнаётгандек туюларди”. Чунки бу қўшиқ Жамиланинг бутун борлигини эгаллаб, уни янги бир дунёга олиб киради. Қандайдир сеҳрли куч уларни Дониёр сари етакларди. Қўшиқ уларни бир-бирига етиштирди. Жамила Дониёр ҳар сафар куйлаганда беихтиёр унинг олдида келиб қолар, қўшиққа берилиб кетган йигит буни сезмасди.

“Жамила бу сафар қўлларини Дониёр томон узатиб, унга яқин борди-да, аравага суяниб, бошини куйи солганича индамай кетаверди. Дониёрнинг овози тобора кучайиб, тунги даштда янгидан тўлқинлана бошлаганда, Жамила бошини кўтариб аравага чиқиб олди. У Дониёр билан ёнма-ён ўтирди-да қимирлашдан қўрққандек, қўлини кўксига қовуштирганча қотиб қолди. Қани, бу ёғи нима бўларкин дегандек, мен ҳам улардан кўзимни

узганим йўқ. Жамиланинг чиқиб ўтирганини Дониёр пайқамади, шекилли, унга қарамай куйлайверди. Бироздан сўнг Жамила қўлларини аста-секин Дониёрнинг елкасига ташлади-да, унга суяниб бошини елкасига қўйди. Шунда Дониёрнинг товуши бир зум титради-ю, кейин яна ҳам кучайиб, кўнғирокдай янгради. У севги ҳақида куйларди”.

Икки оташин, олижаноб калб бир-бирини топди ва мангуликка ковушди. Кўрамизки, асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларида сунъийлик йўқ, табиий чиққан. Биз китобни ўқиб чиқиб, муҳаббат тўғрисида яхши бир куй тинглагандек бўламиз. Шуни тан олиш керакки, Ч.Айтматов Жамила ва Дониёрларнинг севгисини тасвирлаш моментига берилиб кетиб, тарихий шароитни, ташқи муҳитни унутиб қўймайди. Балки қаҳрамонларнинг характери уруш шароитида қандай ўзгариб борганлигини, фашистлар устидан ғалаба қозонишимиз учун каттадан-кичик астойдил меҳнат қилганлигини ҳаққоний кўрсатиб берди. Қиссадан оғир уруш йилларининг нафасини доим сезиб турамыз.

Юзма-юз қиссаси. Ёзувчининг юксак маҳорати унинг “Юзма-юз” қиссасида янада ёрқинроқ намоён бўлди. Бу асар ҳам “Жамила”сингари II жаҳон уруши мавзусига бағишланган. Бунда ҳам ёзувчи қаҳрамонлар ички дунёсини психологик анализ қилишнинг юксак намунасини кўрсатди. Саида руҳий дунёсининг ўзгариши, қочоқ эрига қарши юзма-юз туриб курашиши, чинакам ватанпарвар эканлиги қиссада ишонарли қилиб кўрсатиб берилган.

Аёзли куз кечаси ... Қоратоғ ёнбағридаги кичкина станция. Фронтга кетаётган эшелонларнинг овозидан бошқа нарса эшитилмайди. Йўл эзиб юборган кишилар иссиққина вагонларда ҳузур қилиб ухлашяпти. Мана, станция қоровулининг фонари ҳам сўнги марта липпиллаб қўйди-да, кўздан ғойиб бўлди. Ҳамма нарса тинчиб бўлгандан кейин вагондан бир шарпа ажралди-да, ўзини буталар орасига урди.

Қисса воқеаларининг экспозицияси энди Саиданинг уйига кўчади. Эндигина шувоқдан чиққан, чала битган уйда Саида, кекса қайинонаси ва эмизикли боласи билан яшайдилар. Янги келинлик даври ва уруш туфайли

бошга тушган хижронни ўйлаб ўтираркан, дераза охиста чертилади. Бу қочок Исмоил эди. Шундан кейинги кунлар Саида учун нақадар оғир, ташвишли ўта бошлади. У одамлардан уялиб, уларнинг юзига тик қаролмас, гўё одамлар билиб қолиб, қочокнинг хотини деб юз ўтираётгандек эди. Аввалига у ўзини “Майли, қочқинчи бўлса, қочқинчи деяверсинлар, менга олтин боши омон бўлса бўлгани!” деб ўзини юпатарди. Бироқ кейинчалик кўни-кўшниларининг ғалаба йўлида жон бериб, жон олаётганларини кўргач, бунинг устига Исмоилнинг кўшниси Тўтиойнинг ғўнажинини ўғирлаши Саиданинг кўзини очди. У эрининг фақат беозор қочқингина эмас, балки хавфли душман ҳам эканлигини сизди ва унга қарши курашга отланди.

Айтматов қиссада ўзини динамик портрет устаси эканлигини яна бир бор намоиш этди. Муттасил суратда рухий қарама-қаршилиқлар ўртасида яшайдиган унинг қаҳрамонлари жуда тез ўзгарадилар ва автор бу ўзгаришни кўзга кўринарли белгилар асосида исботлаб бера олади. Исмоил дастлабки кунлари овулдаги аҳволни сўрайди. “Исмоил овулда нима гаплар кетаётганини сўраб кўяр ёки бўлмаса, кўпинча чарчаган кишидек, бошини куйи солиб, ўйлаш нима эканлигидан ҳали йироқ бўлган уч ойлик боласини кўйнига олиб, қаршисидаги қозонга қачон қайнар экан, дегандек термулиб, қовоқ осиб ўтирарди. Ёруғ тушмасдан ўз ўрнига етиб олсин учун унинг овқатини тезроқ бериб жўнатиш зарур эди. Саида ўчоқ бошида ўралашиб юраркан, эри томонга лутфан қараб олиб, ўзича турли хаёлларга бериларди. У Исмоилга ачинар, ундан айрилиб, етим-есир бўлиб қолмасак эди, деб кўрқар эди. Ёруғликка чиқмай ғорда ётаверганидан Исмоилнинг ранги-рўйи синиқиб, шишиб кетган, иякларида ўсиб кетган соқоллари ҳам тикандек тиккайиб турарди. Унинг кўзлари гоҳ айбдор кишидек аланглаб, гоҳ қорачиғидаги қора нуқталар ўтдек ёниб, еб кўйгудек ўқрайиб қарарди. Унинг вазоҳатини кўриб киши, беихтиёр ҳангу-манг бўлиб қоларди. “Бундай пайтларда у кўлидаги ўғлини ҳам унутиб кўярди”. Кўряпмизки, воқеалар бошида, Саиданинг ўйларида эрига нисбатан янгича муносабат оҳанги ажралиб чиқди.

Аниқ психологик тасвир Исмоилнинг оиласи, овули ва Ватани олдида қилган яна бир жинояти тўғрисида баён қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилади. У эри фронтда ҳалок бўлган, уч фарзанди билан тул қолган Тўтиойнинг ягона рўзғор таянчи Ғўнажинини ўғирлайди. Бу факт Саидага каттиқ таъсир қилади. У энди Исмоилни овулдаги бошқа кишилар билан таққослайди ва уни ўз овулдошлари билан бир қаторга қўя олмайди:

“Аста-секин тонг, уй ичи ёриша бошлайди. Тонг ёришган сари нариги ёкда, печканинг ёнида бешикни кучоқлаб ўтирган оқ сочли аёл деразага кадалиб қараб, бир йўла ерга ҳам термиларди. Ташқарида бирон нарса борми, у нимага бунча термулади? Нега унинг сочи бир кечадаёқ оқариб кетган? Аралашиб, чувалашиб кетган хаёллар деразани шарақлатиб синдириб, теварак-атрофни кезиб, ташқарида нималар борлигини билишга ошиқарди. Дарвоқе, ана шу кичкинагина деразанинг нариги томонида бутун овул, элу халқ ... Унда почтальон Қурмон яшайди. Тўтиой болалари билан, Мирзақул, Исмоил ҳа, Исмоил ҳам яшайди...

“Бироқ сен бошқаларга ўхшамайсан, биз учун ёт кишисан... Бутун элу-юртинг жон бериб, жон олиб, душман билан урушиб ётганда, сен бўлсанг қочиб юрсанг, ахир ўз элига ким душман бўлибди? Сени сақлайин деб юрган эканман, бироқ нафс балосидан қутқариш зарурлигини ўйлаб кўрмаган эканман...”

Қочоқ Исмоил ўзини жамиятдан ташқари қўйди, Саида эса қочоқ эрига қарши курашиб, аксинча, ижтимоий шахс, чинакам онгли фуқаро сифатида шаклланди. Ғўдагини кўксига маҳкам босганича у солдатларча ўқ узатаётган Исмоил томонга йўл олди. У ҳеч нарсани сезмагандек, сесканмай кўкрак кериб рўй-рост борарди. Саиданинг ҳайкал каби бир қолипда тумтайган қора тўриқ юзларидан аллақандай ички бир кучни, адолатли ҳукмни ўқиб олиш мумкин эди. Улар ўртасидаги масофа тобора қисқариб борарди. Ниҳоят, Исмоил Саидага яқинлашиб, юзма-юз келганида кўзлари ўйнаб, илгариги Саидани эмас, қандайдир бошқа одамни, ўз куч-қудрати, афзаллиги ва

одиллигини кўз-кўз қилибгина қолмай, балки боласини кўтариб олган, сочлари оқариб кетган, ялангбош, хушқомат аёлни кўрди.

Ёзувчи Ч.Айтматов ушбу қиссасида эл-юрт бошига оғир кунлар тушганида ўзини четга олиб, унинг корига ярамаган, аксинча, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирган шахсиятпараст, манфаатпараст кимсаларга Саида характерини қарши қўяди ва унинг тимсолида чинакам юртпарвар, халқпарвар, адолат ва ҳақиқат учун курашчи инсон образини яратади.

“Биринчи муаллим” қиссаси (1962)

Чингиз Айтматов ўзининг машхур асарларидан бири бўлган “Биринчи муаллим” қиссасида XX асрнинг 20-йилларида бошқа қардош халқлар қатори қирғиз халқи ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, яъни меҳнаткаш халқ ичидан биринчилар қатори етишиб чиққан садоқатли зиёли – Дуйшен ва у кўрсатган катта жасорат ҳақида ҳикоя қилади.

Ўша даврдаги очарчилик туфайли ўз овулидан кетиб, темир йўлда ишлаган ва дом-дараксиз йўқолиб кетган Тоштанбекнинг ўғли Дуйшен армия сафида хизмат қилади. Ҳарбий хизматдан ўз кадрдон овули – Куркурсага қайтгач, у ердаги халқ болаларини ўқитишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. “Мактаб”, “ўқиш” деган сўзлар ўша замонларда қирғизлар ўртасида эндигина эшитилаётган ва бунинг маъносини тушунадиган кишилар ҳам камдан-кам учраган бир шароитда мактаб очишга жазм қилиш қаҳрамонлик кўрсатиш билан баробар, қийин иш эди.

Тепаликдаги бой бобонинг ташқисиди мактаб очиш ҳақида Дуйшен йиғин чақириб, ёрдам сўраганда, ҳеч ким ёрдам беришга розилик билдирмайди. Шунга қарамай, ўзи эндигина савод чиқарган Дуйшен виждон амрини амалга оширади. У кичик бир хонани синфга айлантириш учун тинмай меҳнат қилади. Хона атрофини тозалайди, қулаб тушган деворларни сувайди, болалар ўтирадиган ерга похол тўшайди, печка-ўчиқ қуриб, қиш ҳозирлигини ҳам кўради. Ана шу тариқа Дуйшен очган мактабга овулнинг бир тўда ўғил-қизлари қатнай бошлайдилар.

“Биринчи кун мактабга борганимизда,-дейди ўқувчилардан бири Олтиной, - у бизни ерга ёйилган похол устига ўтказиб, ҳар биримизга биттадан дафтар, қалам ва тахтача бердида, - тахтачани тиззангизга қўйсангиз хат ёзиш осон бўлади, - деб тушунтирди.

Кейин доскани кўрсатиб:

- Болалар мен сизларга ҳарф ёзишни, ўқиш ва ҳисобни, борингки, ўзим нимани билсам, сизларга ҳам шуларни ўргатаман...” деди.

Дуйшен болаларни саводли қилиш учун қўлидан нима келса, ҳаммасини қилади. Ҳатто қиш кунлари болаларни мактаб ёнидаги ариқдан ўзи опичлаб ўтказди. Айниқса, Дуйшен ғамхўр мураббий сифатида ота-онасиз қиз Олтинойга катта қўмак беради. Унинг келажаги ҳақида, яъни ўқимишли ва бахтиёр одам бўлиб етишуви тўғрисида ўйлайди. Олтинойни бағритош келинойиси тоғлик чорвадор бадавлат кишига сотиб юборишга қарор қилади. Мактабдан олиб кетиш учун келган одамларга Дуйшен каттик қаршилиқ кўрсатади, қўллари майиб бўлиши ва қонга беланишига қарамай, ўқувчиси Олтинойни ёвуз одамлар панжасидан қутқариб қолиш учун мардона курашади. Ҳатто у, орадан икки кун ўтмай, милиционер билан биргаликда Олтинойни қутқариб келишга муваффақ бўлади. Дуйшен ваъдасининг устидан чиқади. Олтинойни шаҳарга ўқишга юборади. Йиллар кетидан йиллар ўтади. Бу орада II жаҳон уруши бошланиб, Дуйшен ҳам бошқалар қатори Ватан ҳимоясига отланади. Уруш тугагач, орадан бир неча вақт ўтгандан кейин, Дуйшен қадрдон овулига қайтади. Бу пайт Олтиной Сулаймонова катта олима-фалсафа фанлари доктори, академик даражасига етишган эди.

Куркуре овулида янги интернат-мактаб очилиши муносабати билан ўтказиладиган тантанага академик Олтиной Сулаймонова ҳам таклиф қилинади. Тантанадан сўнгги йиғилиш-зиёфат вақтида телеграмма ташлаб ўтган киши-почтачи Дуйшен эканини Олтиной кейинчалик билиб қолади.

Оғир ва машаққатли йилларда болаларга ҳарф танитиш учун азоб-укубатни ўз елкасига олган, уруш даврида кўкрак кериб Ватан ҳимоясига

отланган ва ёши бир жойга бориб қолганда ҳам қўлидан келган иш-пochtачилик қилаётган биринчи муаллим Дуйшеннинг шу тантанага катнашмагани, тўғрироғи, уйнинг тўрида биринчи муаллим Дуйшен ўтириши лозимлиги ҳақида Олтиной Сулаймонова хаёл суриб кетади. Тантананинг охиригача ҳам турмай, у овулдошлари билан хайрлашиб жўнаб кетади. Бу ҳақда Москвадан йўллаган мактубида ҳам ёзади.

Ёзувчи Чингиз Айтматов “Биринчи муаллим” қиссасида ўтган асрнинг 20-йилларида ўзининг бутун куч ва қувватини болаларни ўқитиш ва тарбиялашга бағишлаган заҳматкаш ўқитувчи образини Дуйшен, садоқатли шогирд ва етук олима образини Олтиной Сулаймонова орқали катта санъаткорлик билан кўрсатиб берган.

Қирғиз адабиётининг XX аср бошларидаги мактаб ва маърифатга бағишланган мазкур асарини ўзбек адабиётининг ана шу йиллардаги маориф ва маърифат ҳақидаги П.Турсуннинг “Ўқитувчи”, М.Исмоилийнинг “Фарғона тонг отгунча”, Й.Шамшаровнинг “Чироқ” романлари билан қиёслаш, шунингдек, ўша замонлардаги мактаблар, унинг ўқитиш шароити билан ҳозирги ҳаётимиздаги мактаблар (коллеж, лицей)га берилаётган эътиборни таққослаб кўрсатиш усули билан ўқувчи-талабаларда мустақилликка эришган жонажон юртига нисбатан муҳаббат туйғуларини юксалтириш мумкин.

Назорат саволлари

1. Ч.Айтматов “Жамила” қиссасида қайси давр воқеаларини акс эттиради?
2. Жамиланинг асосий фазилатларини сананг.
3. Жамила жамоа хўжалигида қандай ишларни бажаради?
4. Жамиланинг Дониёр билан кетиб қолишини сиз қандай баҳолайсиз?
5. Француз ёзувчиси Луи Арагон “Жамила” қиссасига қандай баҳо беради?

6. “Юзма-юз” қиссасида уруш давридаги қишлоқ ҳаётининг қайси этапларини қаламга олди?
7. Исмоилнинг хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлайсиз?
8. Саида Исмоилнинг қайси “хунари”дан ғазабланади?
9. Нима учун Исмоилдан воз кечади?
10. Асар номининг “Юзма-юз” дейилиш сабабини изоҳланг.
11. “Биринчи муаллим”нинг янгилиги нимада?
12. Дуйшен қандай қилиб мактаб очди? Болаларни ўқитишда қандай қийинчиликлар рўй берди?
13. Олтинойнинг келажаги йўлида Дуйшен қандай жасорат кўрсатди?
14. Олтиной шогирд сифатида ўз бурчини бажарди деб ҳисоблайсизми?

Учинчи дарс.

Ч.АЙТМАТОВНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВА ТАРИХИЙ ҚИССАЛАРИ

Режа:

1. “Сарвқомат дилбарим” қиссасида инсон ва оила тасвири.
2. “Алвидо, Гулсари!”да маънавий муаммолар масаласининг ёритилиши.
3. “Сомон йўли” (“Момо Ер”) қиссасида II жаҳон уруши давридаги оила ва жамият ҳаётининг кўрсатилиши.
4. “Оқ кема” асарида қадимги қирғиз халқи ҳаётидан ҳикоя қилиниши.

Чингиз Айтматовнинг деярли барча асарлари композицион жиҳатдан турлича тузилган. Воқеаларни баён қилиш манераси ҳар хил. “Сарвқомат дилбарим” (1961) қиссаси икки ҳикоядан иборат. Уларни тасвирланаётган воқеаларнинг бевосита иштирокчилари сўзлаб берадилар. Ҳар иккала ҳикоядаги воқелик линиясини эса журналист образи боғлаб туради.

Бу қисса ҳам муҳаббат ҳақида бўлиб, у “Жамила”нинг давомига ўхшайди, яъни қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари, характерлари “Жамила”да тугаган жойдан бошланади. Бош қаҳрамонлар эскилик

сарқитлари доирасини ёриб чиқиб, эркин севгининг нашъасини татадилар, бахтли бўладилар. Аммо бу бахт қатъий эмасди, ўзлари сабабчи бўлишиб, бу бахтдан маҳрум бўладилар.

Муаллиф-журналист билан Илёснинг биринчи учрашувлариданоқ биз шуни биламизки, Илёс ўз бахти ва оталик меҳрини қайтмас қилиб қўлидан чиқарган кишидир. Унинг ҳикоясидан ўз қилмишларидан кўнгли тўлмаган, юраги афсус-надоматлар билан тўла эканлигини сезамиз. Бу – ўзгарган Илёс. Чунки у қисса бошларида ўз дўстларига ҳам, унга майли борлиги аниқ билиниб турган Хадичага ҳам, Асалга нисбатан ҳам қўпол киши эди. Унинг дағаллигини биз Асал билан биринчи учрашувида ҳам кўрганмиз:

“Ҳамма ёғи лойга беланиб, қора терга тушиб, йўлни оғзимга келган сўзлар билан сўкиб ётган эдим, кимнингдир шу томон юриб келаётган оёқ шарпасини эшитиб қолдим. Ётган жойимда менга фақат резинка этиккина кўринарди. Этиклар яқинлашиб келиб, қаршимда қимир этмай тураверди. Жаҳлим чиқиб кетди. Нимани томоша қилади-я, цирк борми бу ерда?

- Қани, тепамда турма, йўлингга равона бўл! – деб қичқирдим машина остидан. Эскириб, гўнг тегиб ифлос бўлиб кетган кўйлак этагига кўзим тушиб қолди. Назаримда аллақандай кампирга ўхшади, овулга олиб бориб қўяр, деб кутиб турган бўлса керак.

- Йўлингдан қолма, кампир! – дедим унга, – бу ерда ҳали анча вақт айланишиб қоламан, кутавериб тоқатинг тоқ бўлади ...”

Диспетчер Хадича билан эса бундан ҳам баттарроқ муомалада бўлади. У кўпчилик кишиларни ҳафа қилди, Асалнинг бахтини поймол қилди, ўз ўғлини отадан маҳрум этди, коллективдаги дўстларининг ишончини оқламади, ўз тақдирини оёқ ости қилди, Хадичанинг умидларини поймол этди. Кейин бунинг жазосини тортди. У одамларга яхшилик қилишни ўргангунга қадар кўп вақт ўтди, аммо барибир ўрганди. Биз энди ана шу ўзгарган Илёсга ҳамдардлик билдирамиз, унга ачинамиз. У ўзининг босиб ўтган йўлига ўкинч билан назар ташлайди, аммо келажаги олдинда эканлигини ҳам билади. У бу ҳақда авторга шундай дейди: “Янгича ҳаёт

бошлайман. Мени тузалмас, тамом бўлган одам деб ўйламанг. Келажагим, ҳаётим ҳали олдинда. Кунлар ўтар, мен ҳам уйланарман, бошқаларга ўхшаб бола-чақали, уй-жойли бўларман. Ишлайман, дўст, ёр-биродарлар орттираман. Лекин биргина нарса: умрбод, мангуга йўқотган нарсамни қайтара олмасам керак ... Ўтган ишни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди... Аммо ҳаётимнинг сўнгги кунларига қадар, то сўнгги нафасимгача Асални ва орамизда бўлиб ўтган ҳамма ширин дамларни дилимда сақлаб ўтаман”.

Ч.Айтматов бу қиссада оддий одамларнинг кўркемлиги ва кадр-киммати ҳақида, бир-бирлари тўғрисида ҳеч нарса билмасдан туриб, бир-бирларига нақадар олийжаноблик қилишлари, тўғрисида тўлқинланиб ёзади. Зотан, ёзувчи ижодининг бош эстетик принципи ҳам оддий, олийжаноб кишиларнинг ҳаёти ва турмушини акс эттиришдан иборатдир. Асарнинг асосий қаҳрамонлари муаллиф-журналист, Илёс, Хадича, Асал, ўғли Самад, кейинги турмуш ўртоғи Бойтемир ва бошқалардир.

Бу қисса камолот сари кўтарилаётган ёзувчи ижодининг яна бир босқичини ташкил этади. Бу асари учун ёзувчига навбатдаги Давлат мукофоти берилди. Қиссада баён қилинган мавзу ва воқеалар ҳаммага таниш: Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқ хўжалигини тиклаш қийинчиликлари, ана шу давр кишиларининг тақдир-қисматлари, бир-бирларига муносабатлари, чинакам ватанпарварлик ва Ватан ишига садоқат, урушдан олдинги турмуш манзаралари, жанг йилларидаги машаққат ва қурбонлар, ўсиш мураккабликлари ҳақида бадиий-фалсафий мушоҳадалар берилади.

“Алвидо, Гулсари!” қиссасининг асосий қаҳрамони оддий қирғиз деҳқон Танабой. У ёшлигида фаол жамоатчи бўлган, жамоа хўжалиги ташкил топишида иштирок этган. Ҳаётининг охириги йилларида у камқувват бўлиб, касалга чалинган яйловда яшайди, аммо қалбида ички интенсив кураш давом этади. Танабойнинг хотираси муттасил суратда шиддатли ва муҳим ўтмишга мурожаат қилади. Ҳозирги Танабой ўртамиёна одам, бошқаларнинг назарида гўё ожиз ва кўримсиздек. Одамлар ҳам, ўзининг қариндош-уруғлари ҳам унга турлича муносабатда бўладилар. Масалан, қизлари уни ҳурмат қилишиб,

тез-тез кўргани келиб турсалар, ўғли бепарворок, келини эса фирқадан ўчирилганлигини таъна қилади: “Бутун умрингизни чўнонлигу йилқичилик билан ўтказар экансиз, фирқага кириб нима қилардингиз? дейди.

Йўлда учраган шофер учун эса Танабой ва унинг қари оти эскилик сарқити. У ёнидаги йигитнинг:

- Нега у одамнинг устидан куласан, агар ўзингнинг бошингга ҳам шундай кун тушса нима бўларди? – деб берган саволига:

- Ҳечқиси йўқ. Ҳар канақасига дуч келганман. Мен гапнинг пўсткалласини гапирдим. Қандайдир бир қирчанғини деб ... Ўтмишнинг сарқити у. Ҳозир, биродар, ҳамма нарсанинг отаси техника. Ҳамма ерда техника. Урушдан ҳам. Бунақа чоллар билан отларнинг даври ўтиб кетган энди ...”

Ёзувчи шофёрнинг ёнида ўтирган пассажир тилидан, шофёрга ва шундай қарашга эга бўлган бошқа кишиларга эътироз билдиради. Қари одамлар эскилик сарқити эмас, балки тарихнинг жонли гувоҳи, шу жамиятнинг дояларидир демоқчи бўлади. Қисса композицион жиҳатдан жуда қизиқарли ва оригинал тузилган.

Адибнинг бу қиссасида маънавий муаммолар талқини янада чуқурлашди. Унда ёзувчи ҳаётнинг янги-янги, лекин аччиқ ҳақиқатларини қаламга олди.

Умрининг энг оғир ва суронли йилларида ёнида содиқ бўлган оти Гулсари ҳаётдан кўз юмаётган чоғи унинг боши узра ўтириб болалигидан то кексайгунча бошидан кечирганларини яна бир бор хотирасидан ўтказган Танабой қиёфасида бутун бир халқ, бутун бир давр гавдалангандек бўлади.

Танабойнинг туйғу ва ўйларининг хотира ва кечинмалар тарзида берилиши, инсон руҳиятининг Гулсари ички дунёси билан ҳамоҳангликда очилиши Айтматов ижодининг яна бир муҳим фазилати тарзида намоён бўлишини исботлаб берди.

«Сомон йўли» қиссаси (1963)

Ч.Айтматов – новатор ёзувчи, новаторлик унинг ижодининг бош хусусияти. “Сомон йўли” (“Момо ер”) қиссаси бунинг ёркин далилидир. Асарнинг бош қаҳрамони Тўлғаной ҳаётнинг оғир машаққатларини бошдан ўтказган. Дахшатли уруш уни эридан, уч ўғлидан жудо қилган. Бирок, бу етмагандек, тақдир унинг бошига ҳам яна бир кулфат солади. Фарзанди ўрнига фарзанддай бўлиб қолган келини Алиман ҳаётдан бевақт кўз юмади. Келинидан Тўлғанойга ёдгор бўлиб набира қолади. Унинг ҳаётида авлодлар давомийлигини кўрамыз. Тўлғаной авлодларида боболар касб-корининг абадияти мужассам.

Рўзғори тутдай тўкилган, турмушда ўз таянчи (ўғли) Қосимдан, охириги суянчиғи (келини) Алимандан ажралган Тўлғаной янги туғилган шу бир парча этда янги ҳаёт нишонасини кўради. Унда ҳаётдан бешиш ва унга аламзадалиқ, нафрат, умидсизлик назари билан қараш ўрнини “ҳаёт билан яна бир марта беллашиб кўрсак қандай бўларкан” деган чуқур орзу-умид учкунлари аланга олади.

Асарда тасвирланишича, Тўлғаной ёшлигида Сувонкул билан севишади, турмуш қуришади. Сувонкул ҳам ўзини бахтиёр ҳис этади. Чунончи, у ўзининг Тўлғанойини баланд кўтариб, оламга жар солишдан ҳам тоймайди. “Бир вақт қарасам, - деб ҳикоя қилади Тўлғаной ўша дамларни эслаб, - мени кўтарганча тепаликка югуриб чиқди-да, қуёшга қараб: “Эй қуёш, кўрдингми? Кўрдингми менинг гўзалимни! Мана, мана кўриб ол, кўрманангни бер”, - деб қичқирди. Демак, Сувонкул қалбида туғён урган қайноқ муҳаббат ҳисларини ёзувчи кўтаринки руҳ билан баён этади. Лекин уруш уларнинг ана шундай қайноқ севгиларини, бахтли турмушларини барбод этади.

“Сомон йўли” қиссасида символик образлар ҳам бўлиб, улар бадиий символиканинг ғоявий мазмундорликка бўйсундиришга хизмат қилади. Унда Ер – асосий, улуғвор, салобатли, умулаштирувчи фалсафий образ – она Ватан символидир.

Бу асарда Ер символидан ташқари, Сомон йўли образи ҳам чизилган. Сомон йўли асардаги воқеа-ҳодисаларни бир-бирига пайванд қилувчи занжир, асарнинг бош ғоясини бошлаб берадиган юлдуздир.

Асарда сомон йўли 4-5 мартагина кўринади холос. Аммо у ҳар сафар кўринганида эл-юртга ризқ-рўз тарқатувчи азамат деҳқон образида гавдаланади.

“Оқ кема” қиссаси (1970)

Бу қисса ҳаёт воқелигининг муайян томонларини ёритишга бағишланган бўлиб, бунда ҳам эзгулик ва ёвузлик, софлик ва иллат, инсонийлик ва ваҳшийлик, гўзаллик ва хунуклик ўзаро тўқнашади. “Оқ кема”да баён этилган воқеа Қирғизистоннинг Сантош дарасида бўлиб ўтади. Даранинг бир томонида Қоровул тоғи бўйи чўзиб, шу тоғдан хушманзара Иссиқкўл кўриниб туради. Дарадаги ўрмон қоровулхонасининг аъзолари: ўрмон қоровули Ўразқул Болажонов, унинг хотини Бекей хола, қайнотаси Мўмин бува, Мўмин буванинг набираси – етти ёшли Бола ва буванинг кейинги хотини – кампир, ўрмон ишчиси Сейдахмад ва унинг хотини Гулжамол (қизчаси билан)лардан иборат. Булардан ташқари, бу манзилга келиб-кетувчи совхоз шофёри Қулибек, кўчма дўкон сотувчиси ва Ўразқулнинг ошнаси Кўкатоё номли шахс ҳам бор. Шунингдек, Жаласойдаги муаллима аёл қиссанинг асосий персонажларидан бўлиб, улардан Мўмин бува, унинг ота-онасиз қолган набираси-биринчи синф ўқувчиси Бола ва Ўразқул бош қаҳрамонлардир.

Мўмин бува ва Бола қиссасидаги ижобий кучлар гуруҳини ташкил этса, Ўразқул ва унинг ҳамфиқрлари салбий кучлар гуруҳини ташкил этади. Бу икки гуруҳ ахлоқий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши қутбларда жойлашган бўлса-да, Бекай хола, Сайдахмад, Гулжамол, кўчма дўкон сотувчиси-Йигит образлари оралиқ характердадир, яъни бу образлар Ўразқулнинг қўл остида, унинг амрига биноан иш тутсалар ҳам уларда ижобий ва салбий томонлар мавжуд.

Қиссанинг муҳим фазилатларидан бири унда реал ифодалар билан рамзий усулларнинг, ҳаёт билан эртакнинг узвий бирикиб кетганлигидир. Ана шуларнинг ҳаммасини ягона бир бадиий ғояга бирлаштирувчи куч-Шохдор она буғу образидир. Қисса етти қисмдан иборат бўлиб, унинг тўртинчи қисми Шохдор она буғу ҳикоясига бағишланган, бу қисм эртакдан бошланиб, ҳаётийлик билан якунланади. Лекин эртак ҳам соф эртак бўлмай, у мозийдан, халқ тарихидан, қирғизларнинг эрк ва мустақиллик учун олиб борган жангларида сўзлайди. Бу жанглار тарихи эса халқнинг она табиати, унинг ўзига хослиги ва гўзаллиги билан боғланиб кетади. Шохдор она буғу ана шу она табиатнинг бир фанзанди, унинг бир қисми, айти пайтда халқ эртагининг ўлмас қаҳрамони ва нафосат рамзи сифатида талқин этилади. Шохдор она буғу бирданига уч маънони ифода этади:

1. У ҳам табиий ҳаёт, яъни табиат ҳодисаси.
2. У халқ эртагининг афсонавий қаҳрамони.
3. У халқ эстетик идеалининг бир ифодасидир, яъни нафосат ва гўзаллик рамзидир.

Бундан, Шохдор она буғунинг ҳаёт ва нафосат рамзи сифатида реалистик бадиий талқин мазмунига сингдирилганлиги ойдинлашади.

Бу кунги кишилар қандай яшамокда, уларнинг табиатга ва инсонга бўлган муносабатлари қандай – бу масалалар “Оқ кема” қиссасининг сюжетини белгилайди.

Мўмин бува Болага айтиб берган Шохдор она буғу ҳақидаги “Эртак”нинг қисқача мазмуни қуйидагича:

Қирғиз халқининг собиқ юрти Энасой (Енисей) соҳилларидаги ялпи қирғиндан омон қолган икки гўдак-бола ва қизчани Чўтир Баймоқ кампир хоннинг буйруғига кўра, дарёга ирғитмоқчи бўлиб турганида, ўз болаларидан ажраган Шохдор она буғу пайдо бўлиб, шу икки гўдак ҳаётини ўша кампирдан сўраб олади ва уларни Иссиқкўл соҳилларига олиб келиб, бу ерда тинч-тотув ва дўстона яшашни васият қилади. Орадан йиллар ўтади. Бола бақувват йигит бўлади, қиз бўйга етади. Ниҳоят, улар бир-бирлари билан

ковушадилар. Орада фарзанд туғилади. Улар Шохдор она буғу шарафига тўнғич фарзандларини Буғубой деб аташади. Шу тариқа Буғубой авлоди кўпая бошлайди. Шу даврдан бошлаб қирғизлар авлоди ўзини Шохдор она буғу авлоди деб атайдилар ва она буғуни мукаддас деб биладилар. Ватан душманларига қарши жангларда ҳам “Буғу” номи билан ғалаба қиладилар, ўшанда Иссиқкўл ўрмонларида кезиб юрадиган оқ шохдор буғуларнинг гўзаллигига осмондаги юлдузлар ҳам хавас қилардилар. Юртда Буғубой авлодининг катта бир бойи ўлғунига қадар воқеалар шундай давом этаверади. Бой ўлғач, унинг бойвачча ўғиллари ота хотирасига кўз кўриб, кулоқ эшитмаган ёдгорлик ўрнатишни ўйлаб топадилар. Улар овчиларни ёллаб буғу оттириб, унинг шохини оталари қабри устига ўрнатиш учун усталарга фармон беришади. Ана шундан бошлаб одамлар Иссиқкўл соҳилларида буғуларга қирон келтиришаверади... Натижада буғулар қирилиб тамом бўлди. Кейинги авлод буғуларни кўришдан маҳрум бўлганлар. Улар Шохдор она буғу ҳақида фақат эртак эшитар ҳамда унинг шохларини мақбара ва қабрларда кўрардилар холос. Бу хулоса эртак эмас, балки реал ҳаётдир.

Асарда ўртага ташланган фалсафий муаммолар: эртак ва ҳаёт, ҳаёт ва нафосат, инсон ва табиат, мозий ва замона, зулм ва шафқат, эзгулик ва ёвузлик, инсонпарварлик ва ваҳшийлик, ёзувчи ва воқелик-буларнинг ҳаммаси адибнинг ўткир қалами орқали кишиларнинг эстетик ва ахлоқий идеаллари нури билан мунаввар этилган.

“Оқ кема” асарида тасвир этилган ҳаётий ҳодисаларда воқелик билан гўзаллик сиғиша олган. Воқеликнинг гўзал ва хунук, зиддиятли томонларини ифодаловчи кучлар билан бир-бирига қарама-қаршидир. Бир томонда Мўмин бува, Бола, Қулибек, муаллима аёл, иккинчи томонда эса Ўразқул, кампир, Кўкатоё. Ўразқул – ҳайвонсифат одам. У амал ва жаҳолатдан эсанкираб қолган. Ўразқул қиршисидан чиққан Болага бирор илиқ сўз айтилмайди, яъни шундай сўз айтишга ўзида ички куч тополмайди. Бахтсиз хотини Бекей холани ҳақоратлайди, калтаклайди, хўрлайди. У

бефарзанд одам. Бу Ўразқулга табиатнинг берган жазосидир. Қайнотаси Мўмин бувани ҳам тубан сўзлар билан ҳақорат қилади, эзади.

Ўразқул – жаҳолат ва ваҳшийлик, тубанлик ва разолат, нодонлик ва ёвузлик рамзидир. Бинобарин, Ўразқул сиртдан “кучли” кўринса-да, маънавий заиф ва кучсиздир, яъни у шаклан тирик бўлиб, мазмунан ўликдир.

Мўмин бува – меҳнатсеварлик ва одампарварлик, бардошлилик ва толмаслик, меҳрибонлик ва олийжаноблик, ўта соддадиллик, мўмин – қобиллик рамзидир. Мўмин бувага хос фазилатлар беғубор Бола қалбида эзгу-ниятларни, олийжаноб фикрларни, Ўразқул сингари виждонсиз шахсларга нисбатан қаҳр-ғазаб ўтини алангалатади. У Боланинг доимий ҳамроҳи, меҳрибони ва раҳнамосидир.

Қулибек – адолатсизликка қарши дадил курашади. Қулибек характериға хос жанговарлик ва курашчанлик фазилатлари ижобий кучлар томонидан қозонилиши муқаррар бўлган ғалабанинг ўзига хос тимсолидир. Қулибек Шохдор она буғи авлодининг садоқатли ва ҳалол вакили сифатида аввал бошданоқ Бола билан бирга яшаб, кейин ҳам шу авлоднинг давомчиси бўлиб қолаверади. Бола тасаввурича, Қулибеккина Ўразқулни енга оладиган бирдан-бир киши ҳисобланади. У ёвузликка зарба бера оладиган кучни Қулибекда кўради. Унинг тасаввурида Қулибек қўлида автомат билан пайдо бўлади-да, ҳамма жинойтлари учун Ўразқул ва унинг ҳамтовоқларини уйдан ҳайдаб чиқаради. Ўразқулни отмоқчи бўлади. Шунда Ўразқул эмгаклаб, инграб дейди: “Ўлдирманг, ахир менинг болаларим йўқ-ку. Мен дунёда ёлғизман. Менинг на ўғлим, на қизим бор...” Ўразқул ёлғизликка маҳкумдир. Бола инсонпарварлик ва олийжаноблик принципида изчил қолиб, Ўразқулни ўлдирмасликка рози бўлади. Лекин унинг бу ердан кетишини, қайтиб келмаслигини талаб қилади. Ўразқул қоча бошлайди, Қулибек уни тўхтатади ва унга қарата шундай дейди:

- Сенда ҳеч қачон фарзанд бўлмайди. Сен ёвуз ва ярамас одамсан. Сени бу ерда ҳеч ким севмайди. Ўрмон ҳам, дов-дарахт ҳам, бирорта гиёҳ ҳам

севмайди. Сен – фашистсан, сен бу ердан умрбод кет. Қани, тезроқ туёғингни шиққиллатиб қол!”

Ўразкул олди-кетига қарамай қочади. Қулибек ундан кулиб қолади.

Хулоса шуки, Ўразкулнинг фарзанд кўрмаслиги ва ёлғизлиги ёвузлигининг оқибатидир.

Демак, Ўразкулнинг фарзандсизлиги салбий кучларнинг ёлғизлик рамзи ҳамдир. Ўразкулнинг адолат зарбидан қочиши салбий кучларнинг мағлубиятини ва Қулибекнинг қаҳқаҳаси Мўмин бувалар ғалабасининг тантанасини ифодалайди. Аммо булар – Боланинг хаёли эди. Хаёл бўлганда ҳам рўёбга чиқиши муқаррар бўлган хаёл эди, чунки бу хаёлни амалга оширишга қадир бўлган қудратли ва навқирон куч – Қулибеклар ҳаётнинг чинакам қаҳрамонларидир.

Қиссада Ўразкул бошлиқ салбий кучлар хунуклик тимсоли бўлибгина қолмай, гўзалликни (Шохдор она буғуни, Болани ва Мўмин бувани) емирувчи ёвуз куч ҳамдир. Ижобий кучларнинг бош тимсоли Бола бўлганидан бутун борлиқ, жумладан, табиат унинг кўзи билан кўрилади ва баҳоланади. Шу аснода Боланинг ўлими ҳам қиссада мантиқан далилланган бўлиб, ҳаёт ва нафосатни тасдиқлашга, ижобий кучлар ғалабасини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Назорат саволлари:

1. “Сарвқомат дилбарим” қиссаси неча ҳикоядан иборат?
2. Асар дастлаб қандай номланган эди?
3. Асарда қайси даврдаги қандай воқеалар мавзу қилиб олинган?
4. “Алвидо, Гулсари!” даги Танабой Бекасов оти билан қаерга жўнаган эди?
5. Ёзувчи бу асарида қирғиз халқи ҳаётининг қайси даврларини акс эттирди?
6. Гулсари вафот этганда Танабой хаёлидан нималар кечди?
7. “Сомон йўли” қиссаси қандай ғояни тасвир этишга бағишланган?

8. Шу асар қаҳрамони Тўлғаной ўз бошидан қандай воқеаларни кечиради?
9. Бу асар нима учун “Сомон йўли” дейилган?
10. “Оқ кема” қиссасида қандай афсона ва ривоятлардан фойдаланди?
11. Мўмин чол ким ва унинг қалбида қандай нотинчлик ҳукмрон?
12. Ч.Айтматовнинг бадиий маҳорати ҳақида сўзланг.

Тўртинчи дарс.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ РОМАНЛАРИ

Режа:

1. Ёзувчи ижодида роман жанрининг ўрни.
2. “Асрга татиғулик кун” романи ва Найман она афсонаси.
3. “Қиёмат” романида кўтарилган замонавий муаммолар.
4. “Охир замон нишонлари” – фалсафий роман.

Чингиз Айтматов ҳикоя ва қиссалар яратишда қаламини синаб кўргач, 1980 йил бошларидан йирик эпик жанр-романлар ёзишга киришди. Чунки, унинг ҳикоя ва қиссачиликдаги маҳорати ўзи учун синовдан ўтган, у яратган қиссаларнинг ҳар бири ёзувчидаги бетакрор истеъдодни, унинг кун-сайин камол топиб бораётганлигини намоиш қилди.

Ч.Айтматов томонидан яратилган “Асрга татиғулик кун” (1980), “Қиёмат” (1978), “Охир замон нишонлари” (2001) романлари кенг китобхонларнинг севимли мулкига айланди. Унинг романлари ҳам ёқимли, мусаффо ва тиниқ чиқди, Айтматов номини юксакликка кўтарди.

“Асрга татиғулик кун” романи Чингиз Айтматовнинг жаҳон адабий ҳаётидаги шухратига янги шухрат қўшди. Адиб бу асарида ҳам ўз ижодий услубига содиқ қолиб, ҳаётдаги оддий меҳнаткаш кишилар тақдирини бадиий акс эттирди. Ч.Айтматовнинг истеъдоди ва ҳайратланарли маҳорати шундаки, у ана шу оддий кишилар бошидан кечган воқеалар, уларнинг орзулари, умид ва армонлари, бахт ва бахтсизликлари мисолида бутун

борлиқдаги инсониятга хос бўлган, уларни ташвишлантираётган муаммоларни кўтариб чиқди.

“Асрга татигулик кун” романида тасвир этилган воқеалар, асосан, Бўронли деб номланган темир йўл бекатидаги кичкина бир “қишлоқча”да рўй беради. Бу қишлоқ (овул)ча эса Қозоғистоннинг бепаён Сариўзак чўлида эди.

Романда тасвирланган воқеалар бутун умри шу Бўронли темир йўл бекатида ишчи бўлиб ишлаган Қазангапнинг вафоти, уни дафн этиш учун Она Байит қабристони томон жўнаш билан бошланади. Асардаги воқеалар шу қабристонга етиб боргунча ўтган вақт ичида рўй беради. Бироқ ёзувчи лирик чекиниш қилиб ҳикоя ичига ҳикоя жойлаштириш билан қаҳрамон тақдирининг ўтмиши ва келажагини баён этади. Халқимизни ҳаяжонлантирадиган умуминсоний муаммоларнинг тарихий илдизини очиш учун ўз бадий маҳоратини ишга солади. Бу романнинг “Асрга татигулик кун” деб номланиши сабаби ҳам шундан. Заковатли инсон борки, чинакам одам бўлиб яшашни истайди. Бироқ чинакам одам бўлиб ҳаёт кечириш осон эмас,

Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи ана шу чинакам одам сифатида ҳаёт кечириш қийин эканлигини ҳаққоний кўрсатиб беришга бағишланган. Асар қаҳрамонлари ҳам мураккаб инсоний тақдирга эга бўлган кишилардир.

Асарнинг бош қаҳрамони Эдигей Жонгелдин оддий, ҳалол, меҳнаткаш одам. У II жаҳон урушида қатнашган бўлиб, қийинчиликларни кўп кўрган, Бўронли бекатига темир йўл ишчиси бўлиб келгунча, кўпгина кўргиликларни бошдан кечирган, уларга чидаган, чидамасликнинг иложи ҳам бўлмаган. Шу Эдигей Бўрон абадий ва ўткинчи ҳодисалар марказида туради. У бутун инсониятни, шу жумладан, унинг донишманд фарзандларини ҳаяжонга солаётган муаммолар чўққисига қўйиб тасвирланади.

Романда инсоннинг ўз-ўзини англаш, ўзлигини тушуниш сингари муаммоларини бадий акс эттирган.

Қазангап вафот этишидан аввал ўзини Сариўзак чўлидаги Она Байит кабристонига дафн этишларини васият қилган. Васият қилишнинг сабаби, бу кабристоннинг муқаддаслигида эди. Муқаддаслигининг сабаби эса, у ерга кирғиз аждодларининг волидаи мухтарамаси Найман онанинг дафн этилганлигидир. Анъанага кўра, Сариўзак ва унинг атрофидаги одамлар вафот қилганда қадим-қадимлардан буён шу ерга қўйилади. Найман она ким? Найман она ўғли Жўломон сиймосида халқининг ўзлиги ва келажагини сақлаб қолиш илинжида манқуртликка қарши якка ўзи исён кўтариб, жон берган онаизордир.

Манқурт одам ким? Манқурт одам – ўтмишини, ота-онасини, таниш-билишларини, кимнинг, қайси халқ, мамлакат фарзанди эканлигини қандай иш билан шуғулланганини тамом унутиб, хотирасидан бутунлай айрилган ва овқат ейишгагина ақли етиб, уни шу ҳолга солган хўжайинининг топшириқларини сўзсиз бажарадиган, ўз исмини ҳам ёддан чиқариб, махлуққа айланган инсондир.

Манқуртлар ҳақидаги афсона “Асрга татиғулик кун” романининг замонавий аҳамиятини белгиловчи энг муҳим қисм ҳисобланади.

Афсонада кўрсатилишича, қадим замонларда Сариўзак ерлари босқинчи жўнжанглар томонидан забт этилган. Улар асир олинган ерлик жангчиларнинг сочларини тап-тақир қириб, янги сўйилган туя терисидан бошларига қалпоқ кийдирганлар ва махбусни офтоб қизигида чўлга чиқариб, боғлаб қўйганлар. Чўл иссиғи натижасида қалпоқ қуриган ва бошни сиқаверган. Қийноқ шу қадар ваҳший ва азобли бўлганки, уларнинг кўплари чидамай нобуд бўлганлар. Омон қолганлар эса, хотира деган нарсадан маҳрум бўлиб, ҳеч нимани тушунмайдиган ҳолга келган. Шунини манқурт дейилган, яъни манқурт хотирасиз, ақлсиз, телба ҳолга келган инсондир.

Сариўзакнинг ана шундай манқуртга айлантирилган йигитларидан бири Найман онанинг ўғли Жўломон Дўнанбоев бўлган. У ўтмишини хотирлаш у ёқда турсин, ҳатто ўзини қутқаргани келган, туққан онасини ҳам танимайди, на уруғини, на отасининг номини эслайди. Бу етмагандек,

жўнжанглардан бирининг ўргатуви билан ўз онасини отиб ўлдиради. Бу Найман она эди. Қазангапни дафн этгани олиб келишаётган Она Байит қабристонини шу онаизор қўйилган макондир.

Романда инсоннинг инсонлиги ўзини англаши ва танишидан, ўзини таниш эса миллатининг, халқининг, Ватанининг тарихини билишдан бошланади деган юксак умуминсоний ғоя образли тарзда акс эттирилади.

Ёзувчининг баъзан космос ва космодром муаммоларига китобхон диққатини жалб этиши бежиз эмас. Бу эса ўтган асрнинг 60-йилларида ер юзидаги оддий инсоний муаммолар ҳал бўлаётгани ҳолда, коинотни забт этишнинг авж олиши, ергина эмас, осмон ҳам талаш бўла бошлаганига ишора бўлса, иккинчи томондан асар ғояси миллий қадриятлар, Ватан ва замон муаммосига бориб боғланади. Гап шундаки, жазирама чўлда бўлганига қарамай, космодромга ажратилган ҳудудда бўлгани учун қанчадан-қанча қақирим жойдан олиб келинган марҳум Қазангапга Она Байит қабристонидан икки газ ер беришмайди.

Чингиз Айтматов марҳумга бундай муносабат сабабини “замонавий манқуртлик” муаммоси билан боғлайди. Яъни, шу марҳум Қазангапнинг ўз ўғли, вилоят миқёсида амалдор даражасига етган Собитжон амалидан ажралиб қолишидан кўрқиб, отасини шу ерга дафн этишга ҳам унамайди. Чўлнинг қоқ ўртасида қолган отасининг яққа қабри эртанги ёмғирларда номнишонсиз йўқолиб кетишига бепарво қарайди. Эдигейнинг ўз ичида шивирлаб, нафратланганча: “Сен манқуртсан! Ҳақиқий манқурт!” дейиши, Собитжонга берилган баҳо эди.

Адиб манқуртлик муаммосида жаҳондаги жуда кўп минтақалар учун даҳлдор бўлган империячилик сиёсатига муносабат билдириб, инсон ўз-ўзини англаш керак деган юксак маънавий-ахлоқий тушунчани акс эттирди.

Эдигей Бўрон катта ҳаёт йўлини босиб ўтган. Урушда қанчадан-қанча даҳшатларни бошидан кечирган, ҳақиқатгўй инсон. Ўзининг бошига ташвиш келтириши мумкин бўлса ҳам, тўғрини тўғри деб айтишдан қайтмайди.

Хусусан, 40-йилларнинг охирларида собиқ ўқитувчи Абутолиб Қуттибоев ҳақида терговчи билан қаттиқ олишади. Абутолиб уруш даврида югослав партизанлари сафида хизмат қилгани учун унга “ватан хоини” эмасмикан, деб шубҳа билан қарашни инсофсизлик деб билади.

Умуман, инсоф ва имон Эдигей ва Қазангапни бирлаштириб турувчи умумий фазилатлардан биридир. Қазангап кекса авлодга, Эдигей ундан кейинги авлодга мансуб кишилар бўлиб, ҳаётга қарашда ҳам улар ўртасида маълум даражада фарқлар мавжуд. Бироқ виждон, эътиқод ва тўғрилиқ уларни яқинлаштириб туради.

Масалан, жамоа ҳўжалиги (колхоз) тузиш даврида зўравонлик, қув-қув, қама-қама сиёсати туфайли қанчадан-қанча бола отадан, ука акадан воз кечди. Лекин Қазангап бу масалада иродаси қатъий эканини кўрсатди. Ашаддий шўрочиларнинг зуғумига қарамай, отасидан воз кечмади. У бошқа жойларга кетиб, янги ер очди, трактор ҳайдади, бригадирлик қилди, ҳалол ишлади. Сўнг яна Сариўзакка қайтиб келди.

Қозоғистондаги шу Сариўзакнинг Бўронли темир йўл бекати оддий темирйўлчи сифатида ҳалол меҳнат қилган Қазангапнинг ҳам, Эдигейнинг ҳам дунёқарашини шакллантирган, чиниқтирган жой. Турмушдаги қийинчиликлар туфайли Эдигей, ўрта мактабни тугатишга ҳам улгурмаган.

Олий маълумот ҳақидаги орзулари ҳам қолиб кетган. Бироқ яшамоқ ва меҳнат қилмоқнинг олий дарсини ҳаётнинг ўзидан олган.

Шу маънода Эдигей чексиз қозоқ саҳроларида ҳалол меҳнат қилаётган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган замондошларнинг умумлашма образи тарзида яратилган.

Хулосалаш жоизки, “Асрга татиғулик кун” ёзувчи Ч.Айтматовнинг ўз пайтида ком.к мафкурага, тоталитар Совет тузумига қарши рамзий тимсоллар, ривоят ва афсоналар, фантастик образ орқали қилган дил фарёди эди. Маълумки, 70-йиллардан бошлаб Совет ҳукумати ўз қўл остидаги барча миллатлар ва элатларни ягона “совет халқи”га айлантириш сиёсатини амалга

ошира бошлади. Бунинг учун мустамлака республикаларда яшовчи туб миллатнинг тарихини йўқотиш, миллий урф-одатларини тугатиш, динини камситиш, тилини йўқ қилишга ҳаракат қилинди. Албатта “меҳрибонлик”, “ғамхўрлик”, “биродарлик”, “ягона мақсад йўлида бирлашиш” ниқоби остида олиб борилаётган бу тадбирларнинг мудҳиш оқибатларга олиб боришини донишманд адиб Ч.Айтматов англаб етмаслиги мумкин эмасди. Ёзувчи ана шу асари билан барча миллатларни қоплаб келаётган хавфдан огоҳлантирди.

Босқинчи жўнжанглар ўзлари учун фақат буйруқни бажарадиган, ўз аждодларини ҳам, ўзининг кимлигини, қаерданлигини ҳам, исмини ҳам билмайдиган, тукқан онасини ҳам тап тортмай отиб ташлайдиган кулманкуртларни етиштиришдан манфаатдор эдилар. Гарчи роман воқеалари атиги етти оиладан иборат кичик темир йўл бекатида бир кунда бўлиб ўтса-да, унда етти иқлимни қамраб олган муаммо, минг йилларга татигулик халқларди, ташвиши ифодаланади. Бекатнинг номи Бўронли деб аталади. Чунки марказдан жуда олисда ва ҳеч кимнинг назарига тушмайдиган бу маскан умумий ҳаёт оқимидан четда қолмайди, ички бир бўрон билан яшайди. Ҳатто шу кичик бекатда яшовчилар ҳам советларнинг қатағон сиёсатидан омон қолмайди. Ўқитувчи Абутолиб Қуттибоев халқ душмани сифатида шу ердан қамоққа олинади.

Аммо мудҳиш сиёсатнинг қандоқ бўлишидан қатъий назар Бўронли бекат аҳолиси бир-бири билан ниҳоятда аҳил, иноқ ва ҳамдард бўлиб яшайди. Эдигей тили билан айтганда, улар бир-бирини эҳтиёт қиладилар. Бу айниқса, кекса Қазангапни дафн этиш маросимида равшан кўринади. У ўзини Она Байит қабристонига кўмишни васият қилганди. Марҳумни қанча қийинчилик, келишмовчилик, азоб-уқубатлар билан олиб борганларида эса, яна ният амалга ошмайди. Чунки қабристон аллақачон йўқ қилиниб, космодромга айлантирилган эди. Ёзувчи бу билан одамлар сиғинадиган, эътиқод қўядиган муқаддас жойлар атайлаб йўқотилаётганига ишора қилади.

Шу ерда Она Байит мозори ҳақидаги ривоят ҳикоя қилинади.

Реалист адиб Чингиз Айтматов роман воқеалари рўй бераётган замон ва маконни поезд детали билан боғлайди. Романда тез-тез такрорланиб турадиган “Бу ўлкада поездлар шарқдан ғарбга ва ғарбдан шарққа узлуксиз ўтиб турадилар” деган сатрлар асарнинг ғоявий асосини мустаҳкамлайди, айтиш мумкин, унинг ритмини ҳам белгилаб беради.

Чингиз Айтматовнинг нодир асарларидан яна бири “Қиёмат” романидир. Бу асарида ёзувчи даврнинг ниҳоятда долзарб ва муҳим муаммоларини қаламга олади. Энг асосийси инсондаги имон - эътиқоднинг сусайиши, одам зоти ишонадиган нарсанинг ўзи қолмаганлиги, бунга жамият бошқарувидаги нобоплик, ўзи бўларчилик, қўшиб ёзишлар, бюрократизм сабабчи бўлаётганлиги бадиий образлар орқали рўй-рост илгари сурилади. Ч.Айтматов ўзининг ғоявий ниятларини ҳаётнинг уч соҳаси – жамият, табиат ва диний йўналишларни тасвирлаш орқали илгари сурмоқчи бўлади. Зеро, инсоннинг баркамолликка эришуви, турмушининг фаровон бўлиши эмин-эркин ва осойишта яшаши ана шу уч соҳанинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамият ва табиат мувозанатининг бузилиши оқибатида оддий чўпон Бўстон Ўрхинчиев билан бўрилар Акбара ва Тошчайнар ўртасида ўнглаб бўлмас зиддият пайдо бўлади.

Шунингдек, романда жамият, табиат ва имон-эътиқод ўртасидаги зиддиятлар пайғамбар Исо Масих, Рим папаси Понтий Пилат, эътиқоди мустаҳкам инсон Авдий Калистратов ҳамда Обер-Кандалов бошчилигидаги гуруҳ образлари орқали илгари сурилади. Улар ўртасидаги кураш разилликнинг ғалабаси билан тугаса-да, эзгулик, эътиқод, ишончи, меҳр-муҳаббат ҳеч қачон енгилмайди деган фикр ўқувчининг қалбига ёруғлик олиб киради.

Роман воқеалари ниҳоятда тифиз ва шиддатли ривожланади. Инсон ва табиат ўртасидаги қарама-қаршилик, мутаносибликнинг бузилиши асардаги барча образларга тегишлидир. Уч қисмдан иборат бўлган ушбу асарнинг 1-қисмидаёқ табиат мувозанатининг бузилишига эса аввало, ҳукумат сабабчи бўлаётганлигига ишора қилинади. Аммо бунинг жабрини

одамлар тортади. Ҳукуматнинг топшириғига биноан гўшт планини муддатидан олдин ва ортиғи билан бажариш мақсадида Мўйинқум чўлларида сайғоқларга қарши ялпи қирғин бошланади. Осмондан вертолёт, ердан машинада автоматдан ўқ узиш туфайли сайғоқлар ёппасига ҳалок бўла бошлайди. Бу қирғинга қарши чиққан Авдий Калистратов нашаванд шериклари томонидан оёқ-қўли боғланиб, сайғоқлар юкланган машинага ташлаб қўйилади. Бу қирғин оқибатида шу чўлларда истиқомат қилаётган бўрилар Акбара билан Тошчайнар ҳам учта боласидан айрилади. Улар ёвуз инсон оёғи етган бу маскандан бош олиб кетадилар.

Романнинг 2-қисмида асосан Авдий Калистратов тақдири билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади. Исо Масих ва Понтий Пилат ўртасидаги мусобақа, Исо пайғамбарнинг хожга тортилиши, Авдийнинг ҳам худди Исо сингари эътиқодидан қайтмай ўлим топиши жамият бошқаруви билан диний муносабатлар ўртасида ўнглаб бўлмас чоҳ пайдо бўлганини, бунинг оқибатида одамлар ўртасида бир-бирига нисбатан ишончсизлик туғилаётгани, соғлом муҳит бузилаётганига ишора қилинади. Ёзувчи ғоявий ният билан боғлиқ риштанинг тугунини эътибордан қочирмай, инсон билан табиат бир-бирини қўллаши кераклигига урғу беради. Саксовулга оёқ-қўллари кериб боғлаб кетилган Авдий ҳузурига ўлими олдидан Акбара билан Тошчайнар келадилар. Гўё ўзларини бир марта ўлимдан асраб қолган инсондан узр сўрайдилар, ушлаб худога нола қиладилар, аммо қутқаришга ожиз эдилар, ваҳшийлик инсоннинг қўлидан келади холос.

3-қисмда фожиа бундан ҳам кўп. Бўстон ўғлини олиб қочаётган она бўри Акбарани отаман деб ўғлини ҳам ўлдиради. Кейин бунга сабабчи бўлган Бозорбойни ҳам отиб ташлайди. Кўринадики, роман фожеаларга тўла. Бу ўз навбатида донишманд адиб Ч.Айтматовнинг одамларни “Сен табиатга тўппонча отсанг, табиат сенга замбарак отади” деб огоҳлантириши эди. Бу романнинг номланишидан ҳам кўриниб турибди. Бу ҳақда академик Б. Назаров шундай ёзади: “Диний таълимотдаги қиёматга кўра, ёмонлар қилмишига яраша жазога, яхшилар эса ўз эзгуликларига муносиб ажрга

сазovor бўладилар. Ч. Айтматовнинг “Қиёмат” романида эса эзгулик ва олижанобликнинг, яхшилик ва тўғрилиқнинг, адолат ва ҳақгўйликнинг қиёмат-қойим даражасига тушаётган ҳолатлари табиат ва жамият, инсон ва имон муаммоларини акс эттириш орқали кўрсатилади”¹.

Қиёмат даражасида рўй бераётган табиатни пайхон қилиш, барбодликлар, хунрезликлар ўз-ўзидан бўлмаган. Уларни амалга ошираётган ижтимоий кучлар, разил шахслар бор эди. Бўрилар Акбара билан Тошчайнарга табиатда яшаш учун ҳатто ошён қолмаслиги; Акбара билан Тошчайнарнинг тоққа қочгандан кейин ҳам уларга тинчлик берилмай, бу ерда янги дунёга келган тўрт боласининг энди разил, инсоний ҳислатлардан маҳрум бўлган Бозорбой томонидан олиб кетилиши, уларни арзимаган икки шиша ароқ учун сотиб юборилиши; Обер-Кандалов бошлиқ ваҳший сифат кишилар томонидан мўмай пул топиш илинжида сайғоқларга қирон келтирилиши ва бошқалар табиатни қиёматга солаётган ҳодисаларнинг кўриниши эди.

Ёзувчи шу тахлит содир бўлаётган воқеалар жамият ҳаётида янгилик эмаслигини у тобора йиринглаб, бардамалаб бораётганини, бу касаллик фақат XX асрга келибгина пайдо бўлмаганини, агар олди олинмаса, бундан-да оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаш учун тарихий манбалардан, миф, афсона ва асотирлардан ўзига хос тарзда унумли фойдаланади ва уларни асарнинг умумий ғоявий маркази билан боғлайди.

Бу Исо билан алоқадор диний таълимотнинг бадиий талқинидир. “Худога муҳаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади”, дейди Исо. Романдаги Исо фикрининг асоси шундагина эмас.

Унинг фикрича, инсон Худони дилида сақлар экан, ҳеч қачон инсонни назаридан қочирмаслиги керак.

Одамларни ўз гуноҳларини ювишга чақириш, уларнинг кўзларини очиш ва илоҳий ҳислатларини уйғотмоқ учун Исо жонини қурбон қилишга

¹ Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти. 11-синф учун дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 1995. 345-бет.

рози. Асардаги энг мураккеаб образларидан бири Авдий Калистратов хисобланади. Ёзувчининг тасвирлашича, у Худога, динга дил-дилидан, вужуди билан ишонади. Бироқ унинг фикрича, шу вақтгача инсоният тафаккурида мавжуд бўлган диний қарашларни ислоҳ қилиш, эскирган инсон манфаатларини чеклайдиган томонларини янгилаш, замонга мослаш керак. Ўзининг айтишича, бу фикрдан ўтда куйдирсалар ҳам қайтмоқчи эмас.

“Асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англашда хурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухуроти деб билиш” ... Авдийнинг дин ва Худо ҳақидаги қарашларининг асосини ташкил этади. Бу куфрона фикрлари учун у диний семинариядан ҳайдалган ҳам. Бир қарашда у сидқидилдан диндор, бориб турган шаккок. Иккинчи томондан, у виждон ва имон йўлидан адашганларнинг тарафдори, жонкуяри, уларни тўғри йўлга солиш учун жонини беришга тайёр, айнаи вақтда, худди ана шуларнинг ўзи томонидан аввал итдек қалтакланиб, сўнг Исо каби қатл этилади. Авдийни анъанавий йўсиндаги яхши ёки ёмон киши образи деб аташ қийин. У ғоят мураккаб образдир.

Чингиз Айтматов файласуф санъаткор сифатида ўз бадиий тафаккурини эркин қўйиб, диний ва замонавий қарашларнинг узоқ тарихига мурожаат қилса ҳам, замонамизда рўй бераётган даҳшатли ҳодисаларни тасвир этса ҳам, Мўйинқум чўлларида ваҳший Обер-Кандаловчилар содир этаётган сайғоқлар қирғинини ифодаласа ҳам, Иссиқкўл атрофидаги Бўстон ишлайдиган давлат хўжалиги чўпонлари ҳаётини акс эттирса ҳам, воқеалар давомини “Учқудук” теварагидаги нашазорларга олиб ўтса ҳам – уларнинг барчасида иштирок этувчи қаҳрамонларнинг кимлигини билдирувчи етакчи хусусият сифатида имон муаммосига эътиборни қаратади. Бу билан асарнинг композицион яхлитлигини, замон ва макон компонентларининг мустаҳкам бирлигини назардан қочирмайди.

Шу фикрларга асосланиб, “Қиёмат” романининг бош қаҳрамони Исо ҳам, Авдий Калистратов ҳам, Бўстон ҳам ёхуд Акбара ва Тошчайнар ҳам

эмас, балки уларнинг барчасини бирлаштириб турувчи Имондир, деб айтиш тўғрироқ бўлади. Бу образлар таҳлилидан келиб чиқадиган хулоса шуки, имон-эътиқод мустаҳкам бўлмаган замон ва маконда парокандалик, зулм, бузғунчилик, вайронагарчилик, қотиллик ва ахлоқсизлик авжига чиқади. Чиндан ҳам асар қаҳрамонларидан бири жафокаш Авдий Калистратовнинг ушбу мулоҳазаларига қўшилиш мумкин: “Имон не-не авлодлар бошдан кечирган азоб-укубатларнинг меваси, унга эришмоқ учун минг йиллаб ва ҳар кун машаққат чекмоқ керак”.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ёзувчи адолатли, ҳақгўй Бўстонга қарши комфирқа қотиби Қўчқорбоевнинг, Авдийга қарши Обер-Кандаловнинг, Исога қарши Понтий Пилатнинг қарашларида умумийлик ва муштараклик мавжуд эканини маҳорат билан гавдалантириб беради.

Айни вақтда “Қиёмат” романини атоқли таржон Иброҳим Ғофуров ўзбек тилига ўгирганлигини ҳам китобхонга уқтириш лозим.

Ўтган асрнинг 90-йилларида Чингиз Айтматов яна бир фалсафий роман яратиб, дунё аҳлини ҳайратда қолдирди. Ёзувчининг ўзи томонидан рус тилида “Тавро Кассандры” деб аталган бу асар ўзбек тилига гоҳ “Кассандра тамғаси”, гоҳ “Иксзурриёт” каби номлар билан кириб келди. Охири таржимон С.Қораев томонидан “Охир замон нишонлари” деб аталди ва 2001 йилда нашр этилди. Донишманд адиб Ч.Айтматов бу романи билан “совуқ уруш” коммунистик мафкура идеалларига қарши дадил исён кўтарди.

Инсониятнинг ҳалокат ёқасига бориб қолганлиги романнинг бош ғоясини ташкил этади. Унда тасвирланишича, махфий илмий марказда сунъий йўл билан одам яратиш муаммоси устида иш олиб борилади. Ота-онаси номаълум бўлган бундай иксзурриёт манқурт Жўламондан ҳам хавфли бўлиши аниқ. Шунинг учун бундай янги авлоддан умидвор бўлган ҳукмрон партия ва ҳокимият иксзурриётларни дунёга келтириш ишига бажанодил раҳбарлик ва ҳомийлик қилади. Мана, партия МК нинг қотиби Конюханов иксзурриёт кашфиётчиси олим Кристофковга нима дейди:

“Гап шундаки, сиз учун бу кизиқарли лаборатория экспериментлари объект бўлса, биз учун иксзурриёт – янги типдаги одам. Ва бизнинг прогнозларимизга кўра, меҳнаткаш синфларни эски дунёдан халос қилиш учун уни ағдар-тўнтар қиладиган ҳам худди ана шу иксзурриётдир. Иксзурриёт келажакда эски, ўз умрини ўтаб бўлган дунёни таг-томири билан кўпориб ташлаш баробаринда янги дунёни бунёд этажак”.

Роман воқеалари ўта шиддатли ривожланади, у психологик можароларга бой ва кескин тўқнашувлар асосига қурилган. Ер шари ахлоқий муаммолар синаб кўриладиган полигонга айланган, инсоният ҳалокат ёқасига келиб қолган. Афсуски, бу ҳалокат ташқаридан келган эмас, балки ўз ичидан, яъни мана шу она заминда яшаётган ношукур бандаларнинг қилмиши, ножўя ҳатти-ҳаракати, мунофиқлиги, иккиюзламачилиги, худбинлиги, ахлоқсизлиги туфайли юзага келгандир. Асар воқеаларидан келиб чиқадиган хулоса шуки, дунё бедаво дардга йўлиққан, агар инсоният бу ижтимоий ҳасталикдан фориғ бўлмас экан, интиқом муқаррардир. Ҳалокатдан қутилиш учун одамлар бирлашиши шарт деб бонг уради ёзувчи.

ХУЛОСА

Чингиз Айтматов ижоди нафақат қирғиз, балки ўзбек ва бошқа туркий халқлар ҳамда ғарб адабиётида ҳам алоҳида ўринга эга. Унинг “Оқ ёмғир”, “Рақиблар”, “Қизил олма” ҳикояларида, “Жамила”, “Биринчи муаллим”, “Сарвқомат дилбарим”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Бўтакўз”, “Юзмаюз”, “Сомон йўли”, “Байдаммол соҳилларида”, “Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”, “Асрга татиғулик кун”, “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси” (Иксзурриёт) каби қисса ва романларининг ҳаммаси ўзбек тилига таржима қилинган. Адибнинг кейинги йилларда ёзилган ва ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилинган “Чўққида қолган овчининг оҳу-зори” номли бадиий-публицистик асарида юксак маҳорат билан Марказий Осиё халқлари ҳаёти, маданияти ва тарихига доир воқеа-ҳодисалар тасвирланган.

Ч.Айтматов дунё тан олган ижодкорлардан бири. Уни ўзбек адабларига яқинлаштирган яна бир томон Ч.Айтматов қаҳрамонлари билан ўзбек адаблари қаҳрамонлари бир замонда, бир маконда яшайдилар. Шунинг учун унинг ҳар бир қаҳрамони, ўй-фикрлари биз учун жуда яқин, жуда таниш. Шу сабабли адабиётимизда баъзи хусусиятлари билан Чингиз Айтматов қаҳрамонларига ўхшаш образларга кўп дуч келамиз. Бу дегани Ч.Айтматов қаҳрамонларини тўласича ўзлаштириб олинди, деган гап эмас. Чунки бу қаҳрамонлар ҳар қанча яқин бўлмасин, ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати, яшаш тарзи ва миллий дунёқараши бўлиб, бу қараш бадиий адабиётда ўз ифодасини топади.

Ч.Айтматов ижодининг ўзбек адабиётига таъсири ҳақида фикрлаганда, аввало, иккала томондаги қаҳрамонлар характеридаги ўхшашликни кўришимиз мумкин. Масалан, Тоғай Муроднинг “От кишнаган окшомда” қиссасининг қаҳрамони билан Ч.Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” қиссаси қаҳрамони табиатидаги ўхшашликлар, яъни уларнинг ҳалоллиги, отга, табиатга муносабати, от билан худди бир инсон сингари сўзлашувларида уйғунлик кўзга ташланади. Шукур Холмирзаевнинг “Қил кўприк” романидаги қаҳрамонлар билан Ч.Айтматовнинг “Қиёмат” романидаги қаҳрамонларнинг тақдирдошликлари, бир сиёсий тузумнинг қурбонига айланишлари уларни бир-бирига янада яқинлаштиради. Бундай хусусиятни Шукур Холмирзаевнинг “Қора камар” драмасида ҳам кўриш мумкин. Ундаги Хуррамбек билан Абдулла Наби “Қиёмат” романидаги Гурам Жўҳадзе ва Сандроларга ўхшаб кетади. Н.Норқобиловнинг “Увлаётган ит” қиссасидаги ит-Қоровой билан “Қиёмат” даги бўри Акбаранинг одамлар каби ўйлаши, фикрлаши, яхшилик билан ёмонликни фарқлаши, уларнинг ўзаро уйғунлигини таъминлайди. Умуман айтганда, Ч.Айтматов асарлари ўзбек китобхонлари учун ҳам қимматли ҳисобланади. Унинг бир қатор асарлари Ўзбекистоннинг умумий таълим мактаблари, лицей ва коллежларининг дастуридан ўрин олган, айрим асарлари мустақил ўқиш учун тавсия этилган.

Олий ўқув юртларида эса Ч.Айтматов асарлари монографик мавзу сифатида ўрганилади.

Биз мазкур ўқув қўлланмада Ч.Айтматовнинг ўқув даргоҳлари учун зарур бўлган асарларини танлаб олдик. Адибнинг бу асарлари ёшларни ҳалоллик, тўғрилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, вафодорлик ғоялари руҳида тарбияланишлари учун хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Назорат саволлари:

1. “Асрга татиғулик кун” романидаги манқуртлик муаммосининг маъноси ва моҳияти нимадан иборат?
2. Бу романдаги воқеалар қаерда ва қачон бўлиб ўтади?
3. Асарнинг етакчи қаҳрамонлари кимлар? Роман қандай ноҳуш воқеа билан боғланади?
4. Найман она ҳақидаги афсонанинг мазмунини сўзлаб беринг.
5. Афсонадаги Найман онанинг манқурт ўғли Жўломон билан лейтенант Тансиқбоев, Қазангапнинг ўғли Собитжон ораларида яқинлик борми? Бор бўлса, бу яқинлик нималарда кўринади?
6. Хотирасини – ўз ўтмиш тарихини, миллатини, тилини, урф-одатлари, ота-онасини унутган, яъни “манқурт” бўлмаслик учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?
7. “Қиёмат” романида тасвирланган эзгуликнинг уч омили қайсилар деб ўйлайсиз? (илоҳий, фалсафий инсон).
8. Романнинг фалсафий асоси қайси образларда мужассамлашган?
9. Асарнинг композицион жиҳатдан ўзига хослигини аниқланг.
10. “Қиёмат” романида жамият ҳаётининг қайси даври тасвир этилади?
11. “Қиёмат” сўзининг маъносини сиз қандай идрок этасиз?
12. Асардаги ижобий ва салбий образларни ажратинг.
13. Ёзувчи қўллаган мажозий образлар қайсилар? Улар орқали ёзувчи нима демоқчи?

14. Ёзувчи Шўролар давридаги қайси воқеа-ҳодисаларни “қиёмат”га менгзайди?

15. Авдий Калистратов қандай одамлар тимсоли? У имон ҳақида нималар дейди?

Чингиз Айтматовнинг асосий асарлари

Р Ё Й Х А Т И

№	Асарлари номи	Тури	Йили
1	“Ҳошим”	Ҳикоя	1952
2	“Газетачи Дзюйдо”	Ҳикоя	1954
3	“Оқ ёмғир”	Ҳикоя	1954
4	“Сепоячи”	Ҳикоя	1954
5	“Рақиблар”	Ҳикоя	1954
6	“Байдамтол соҳилларида”	Ҳикоя	1955
7	“Юзма-юз”	Қисса	1957
8	“Жамила”	Қисса	1958
9	“Бўтакўз”	Қисса	1958
10	“Сарвқомат дилбарим”	Қисса	1961
11	“Биринчи муаллим”	Қисса	1962
12	“Сомон йўли”	Қисса	1963
13	“Тоғ ва дашт қиссалари”	Тўплам	1963
14	“Алвидо, Гулсари”	Қисса	1966
15	“Оқ кема”	Қисса	1970
16	“Соҳил бўйлаб чопаётган олапар”	Қисса	1975
17	“Асрга татиғулик кун”	Қисса	1980
18	“Чингизхоннинг оқ булути”	Қисса	1980
19	“Эрта келган турналар”	Қисса	1988
20	“Қиёмат”	Роман	1988
21	“Охир замон нишонлари” ёки “Кассандра тамғаси”	Фантастик роман	2000
22	“Рудзиямадаги учрашув”	Драма	2002
23	“Чўққида қолган овчининг оху-зори”	Бадий публицистик асар	2006

Адабиётлар рўйхати:

1. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 1-ж. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ш. Т., 1978.
2. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 2-ж. Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ш. Т., 1978.
3. Айтматов Ч. Эрта келган турналар (қиссалар), “Ёш гвардия” н-ш, Т., 1988.
4. Айтматов Ч. Қиссалар. Т., “Ўқитувчи” н-ш, 1981.
5. Айтматов Ч. Романы и повести. Фрунзе, «Киргизистан», 1988.
6. Айтматов Ч. Охир замон нишонлари. Т., «Шарқ» НМК, 2001.
7. Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун. Роман. Т., Ғ.Ғулом номидаги АСН, 1980.
8. Галинкин П.Е. Чингиз Айтматов. Л., изд.во «Просвещение», 1968.
9. Жўраев К., Мирзаева С. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги адабиёти (ўқув-услубий қўлланма), Т., “Истиқлол” – 2006.
10. Иноғомов Р. Адабий қардошлик тароналари. Т., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат н-ш. Т., 1972.
11. Йўлдошев К. Ёниқ сўз. “Ўзбек насри уфқлари” китоби. Т., “Янги аср авлоди” н-ш, 2006.
12. Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти. X1 синф учун дарслик. Т., “Ўқитувчи”, 2002.
13. Каримов Н. ва б. Ўзбек адабиёти. 9-синф учун дарслик, Т., “Ўқитувчи”, 2005.
14. Каттабеков А., Раҳмонов В. Ўзбек адабиёти. 8-синф учун дарслик-мажмуа, Т., “Ўқитувчи”, 1997.
15. Рашидов А., Нурматов М. Ҳаёт ва нафосат рамзи. “Ўзбекистон маданияти” газетаси № 43, 27 май 1972.
16. Саломов Ғ., Бобоев Т. Услуб жиолари. “Ўзбекистон маданияти” газетаси № 73, 12 сентябрь. 1969.

17. Саримсоқов Б. ва б. Ўзбек адабиёти. 6-синф учун Т., “Ўқитувчи”, 1995.
18. Усмонова К., К.Ғуломова Н. Адабиёт фанидан мажбурий стандарт ишлари учун тавсиялар. Т., 2006.

М У Н Д А Р И Ж А :

1. 1-дарс. Адибнинг ҳаёт йўли.....	3
2. Ч.Айтматов ижодининг илк босқичи, ҳикоя ва қиссалари.....	6
3. 2-дарс. Айтматовнинг илк қиссалари.....	9
4. 3-дарс. Айтматовнинг замонавий ва тарихий қиссалари.....	22
5. 4-дарс. Айтматов романлари.....	32
6. Хулоса.....	43
7. Айтматов асарлари рўйхати.....	46
8. Адабиётлар рўйхати.....	47

